



O`zbekiston Respublikasi Oliy va O`rta



Maxsus Ta`lim Vazirligi

Buxoro Davlat universiteti

Ijtimoiy-iqtisodiy fakulteti

Iqtisodiy ta`lim va turizm kafedrası

## Himoyaga ruxsat etildi

Kafedra mudiri \_\_\_\_\_ i.f.n. S.U.Tojiyeva

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2012 yil

## BITIRUV MALAKAVIY ISHI

Mavzu: Sotsiologiyada sotsiometriyaning orni

Bajardi: 5140900 – “Kasbiy ta`lim” (ijtimoiy – iqtisodiy soha)  
yo`lanishi kunduzgi bo`lim 4 “E” guruhi talabasi

Rustamov Farxod

Ilmiy rahbar

katta o`qituvchi Jo`raeva Z.T

Himoya sanasi

D.A.K.ning bahosi

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2012 yil

D.A.K.ning xulosasi

Buxoro - 2012

Кириш.

Биз ўз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак<sup>1</sup> деган эдилар президентимиз И. А. Каримов ўзларининг «Баркамол авлод орзуси» асарида. Дарҳақиқат ҳозирги даврда ёшларимизни илм чўққиларини забт этиши, юртимизга керакли ва фойдали кадрлар бўлиб этиши ҳар бир гуруҳлар билан ишловчи хоҳ у раҳбар бўлсин, хоҳ у оддий боғча тарбиячиси бўлсин барчанинг олдига бирдек юксак вазифаларни юклайди. Кичик гуруҳларни тадқиқ этар эканмиз улар билан ишлашда биринчи навбатда мамлакатимизда олиб борилаётган баркамол авлодни камол топтириш борасидаги кадрлар тайёрлаш миллий дастури, ҳар томонлама мукамал билимга эга бўлган, юксак салоҳиятли кадрларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

**Мавзунинг долзарблиги.** Ҳозирги кунда мамлакатимиз ижтимоий – сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида улкан тарихий ислохотлар амалга оширилмоқда. Уларнинг илмий, назарий асослари ва амалга оширилиш механизмлари Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов асарларида теран ифодасини топган бўлиб, бу ўз навбатида, ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида самарали илмий изланишлар олиб бориш ва уларнинг натижаларига алоҳида эътибор беришни талаб қилади. Айниқса, ислохотлар туфайли жамият ҳаётининг барча жабҳаларида рўй бераётган ўзгаришлар ижтимоий-гуманитар фанлар таркибига кирувчи социология фани зиммасига ҳам бир қатор вазифалар юклайди. Чунки, социология фани жамиятдаги улкан ижтимоий-сиёсий воқеаларни шунчаки қайд этиш билан чекланиб қолмай, балки унинг асл моҳияти ва мазмунини атрофлича очиб беради. Шу боис социология ижтимоий фанлар орасида ўзининг аниқлиги, қўйилган саволларга берадиган илмий жавоблари атрофлича асосланганлиги, келтирилган далилларнинг қайта-қайта текширилганлиги билан ҳам қимматлидир.

---

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Баркамол авлод орзуси. Т. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» 2000.б 132

Социология фақат ҳозирги ижтимоий воқеликка тўлақонли жавоб бериш билан чекланмай, балки ижтимоий тараққиётнинг истиқболи хусусида ҳам башорат қилади. Ана шу жиҳатдан социология фани назарияси, амалиёти ва тадқиқот усулларини атрофлича ўрганиб чиқиш зарурати туғилади.

Социология – инсониятнинг бир неча минг минг йиллик тарихий тараққиёти давомида яратилган маданиятнинг ажралмас таркибий қисмидир. Афсуски, коммунизм мафкурачиларининг вакиллари кибернетика, психология, политология каби фанлар қаторида социологияни ҳам инкор этиб, уни социализмга зарарли «ёлғон фан» қаторига қўшиб кўп йиллар мобайнида жаҳон халқларининг дурдонаси, маънавий ва маданий бойлиги бўлган бу фаннинг ва унинг намоёндаларини таҳқирладилар. Натижада жамиятни энг катта бойликдан – ижтимоий фикрларни ҳар томонлама ва чуқур ўрганишдан, ижтимоий тараққиёт борасида ахборотлар тизимини яратишдан ва охир оқибатда ижтимоий ҳаётни аниқ маълумотларга, тўғрироғи, халқ фикрига таянган ҳолда илмий асоада бошқаришдан маҳрум қилдилар. Мустақиллик туфайли социология фанига кенг йўл очилди. Бу фаннинг шахсан президентимиз И. Каримовнинг ҳимоясига олинганлиги чексиз қувонарлидир.

Минг афсуски, собиқ Совет Иттифоқи даврида социометрияга синфий жиҳатдан ёндашилиб, буржуа таълимоти сифатида рад этилди. Социология фани бўйича нашр қилинган илмий адабиётларда, дарсликларда социометрия ўрганилмади.

Ҳозирда, бозор муносабатларининг таркиб топиб бориш жараёнида жамият ижтимоий ҳаётининг социодинамик тарзда ривожланишини социометрияда ўрганиш кўплаб ижтимоий – иқтисодий, мафкуравий, тарбиявий муаммоларни ечишга хизмат қилади. Ижтимоий – руҳий муҳитни мўътадиллаштиради. Шунинг учун ҳам кишилар ўртасидаги ижтимоий – руҳий муносабатларни ва туйғуларни ўрганиш фақатгина назарий эмас, балки амалий аҳамият ҳам касб этади. Эмпирик социометрик тадқиқотлар

жамият ҳаётини, ундаги кишилар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришда муҳим илмий қимматга эга .

Бизнингча, мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгандан сўнги ҳозирги ривожланиш даврида жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида маънавий муносабатлар силсиласини бирламчи мезон сифатида баҳолашимиз илмий жиҳатдан асослироқдир.

Ижтимоий ҳаётимиз замирига анъанавий – тарихий қадриятларнинг сингиб бораётганлиги, асрлар оша жамиятнинг бош ва бирламчи ҳаракатлантирувчи кучлари сифатида маънавият, шахс омили ва муносабатлар тушунилиб ва тарғиб этилиб келаётганлиги сир эмас.

Халқимизда ўзаро муносабатлар масаласига доим бирламчи аҳамият бериб келинган. Халқ тарбия силсиласида мустаҳкам илдиз отган урф – одатлар, борингки, «Яхши билан юрсанг, етарсан муродга, ёмон билан юрсанг, коларсан уятга», «қозонга якин юрсанг кораси юкар» ёки «кийимига қараб кутиб олиш, ақл – фаросатига қараб кузатиб қолиш» каби мақоллар инсоний муносабатлар аҳамиятини янада оширади.

Педагог ўз иши давомида фақат алоҳида ҳар ўқувчи билан иш олиб бормасдан, балки ўз таркибида, ўқувчиларни бирлаштирган турли хилдаги гуруҳлар – синф жамоаси, оила ва баъзан ўспиринни ўз таъсирига тортган кўча улфатлари ёки синфнинг ўзида бирон – бир етакчи теварагида бирлашган болалар тўдаси билан иш олиб боришга ҳам тўғри келади. Шу муносабат билан ўқитувчи гуруҳлар ва жамоаларнинг асосий социал – психологик қонуниятларини билиши шарт.

Қадим замонлардан буён ҳам ва айниқса фан – техника тараққиёти даврида ҳар бир касб эгаси нафақат ўз соҳасидагикасбий билимларни пухта эгаллаш ва катта тажриба орттириш, дунёқараши, маънавияти, тафаккури, ҳаёт тарзи тўғрисида ҳам ахборотларга ва билимга эга бўлиши керак. Бундай билимларни ўрта мактабда, коллежда, лицейда ва олий ўқув юртларида гуманитар ва социал – иқтисодий фанларни ўқитиш ҳисобига эгаллашга ҳаракат қилинмоқда. Бу соҳада алоҳида шахсдан ва кичик гуруҳлардан

тортиб, то жамиятнинг тараққий этиш ва ривожланиш қонуниятларини нафақат назарий жиҳатдан, балки аниқ конкрет тадқиқотлар орқали ўрганадиган социология фани алоҳида ўрин эгаллайди.

Гуруҳ билан иш боришда гуруҳнинг ўзаро бирдамлиги, гуруҳ аъзоларининг гуруҳий фаолиятдан бегоналашув ҳолатини ўрганиш энг асосий масала ҳисобланади. Чунки гуруҳ билан олиб бориладиган турли хил иш жараёнлари ва тадбирларда гуруҳ бирдамлиги муҳим ҳисобланади. Шунингдек гуруҳ фаолиятдан бегоналашган аъзоларини гуруҳ иш жараёнига жалб қилиш бу гуруҳ билан ишлаш самарадорлигини оширади. Гуруҳ билан иш олиб бораётган хоҳ у раҳбар бўлсин, хоҳ у педагог бўлсин ўз иш фаолиятини олиб боришда гуруҳий бирдамликни оширадиган бўлса, гуруҳий фаолиятдан бегоналашув ҳолатига чек қўядиган бўлса бу гуруҳ билан унинг олиб борадиган ишлари самкарадорлиги юқори бўлади. Гуруҳ аъзоларини гуруҳ фаолиятидан бегоналашувни ўз вақтида олди олинмаса ушбу гуруҳ аъзоларининг турли хил ёмон йўлларга кириб қолиши ва бунинг оқибатида турли кўнгилсиз ҳолатлар келиб чиқиши мумкин. Айниқса ёш ва кичик гуруҳлар билан ишлаш жараёнида бу жуда муҳим ва самарали. Чунки мактаб ёшидаги ва талаба ёшлар билан ишлашда уларнинг гуруҳий фаолиятдан бегоналашув ҳолатига йўл қўймаслик зарур, сабаби ёшлар бу даврда турли хил ташқи таъсирларга мойил бўлади.

Гуруҳ – бу мунтазам равишда бир – бирлари билан ҳамкорлик қиладиган инсонлар тўпламидир. Бу мунтазамлик дўстона муносабат, бирдамлик ва умумий урф – одатлар шаклланишига олиб боради

Кичик гуруҳлар – ҳамиша боғланган умумийлик бўлиб, унга кирувчи шахсларнинг ўзаро биргаликдаги реал ҳаракати ва улар ўртасидаги реал ўзаро муносабатлар билан боғлангандир. Бу гуруҳлар расмий бўлиши, яъни юридик жиҳатдан қайд этилган ҳуқуқ ва бурчларга, норматив асосида ўрнатилган структурага, тайинлаб ёки сайлаб қўйилган раҳбарликка эга бўлиши мумкин. Ижтимоий меҳнат тақсимооти шароитларида бу гуруҳлар социал жиҳатдан тақозо этилган фаолият кўрсатиши билан боғлангандир.

Мактаблардаги синфларда камолот гуруҳи ана шундай расмий гуруҳ ҳисобланади, ўқувчиларнинг социал жихатдан муҳим бўлган фаолиятини йўлга қўйишда уларнинг роли ва аҳамияти бекиёсдир. Шунингдек, юридик жихатдан қайд этилган статусга эга бўлмаган, аммо таркиб топган шахслараро муносабатлар системаси билан ифодаланадиган норасмий гуруҳлар ҳам алоҳида ажралиб туради. Улар алоҳида ажралиб турадиган умумийлик сифатида юзага чиқиши ва расмий гуруҳлар ичида етарли даражада барқарор тус касб этиши мумкин. Ниҳоят расмий гуруҳ ўзининг барча таърифларини сақлаб қолган ҳолда норасмий гуруҳларнинг барча фазилатларига ҳам эга бўлишлари мумкин. Шундай қилиб, расмий ва норасмий гуруҳлар ўртасидаги чегаралар шартли ва нисбийдир. Ўқувчиларнинг бу хилдаги норасмий гуруҳларини шакллантириш ўқитувчи олиб бориши лозим бўлган тарбиявий ишнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бундай гуруҳларнинг мавжудлиги мактаб ўқувчилари кирадиган ўша расмий гуруҳларни мустаҳкамлаган ва уларни фаолиятини бойитган бўлур эди .

Ҳозирга вақтдаги ислоҳотларни амалга ошириш учун энг биринчи навбатда турадиган иш бу кичик гуруҳлар билан олиб бориладиган тадбирлар ва амалга ошириладиган ишлардир. Шундай экан биз кичик гуруҳлар билан тадқиқотлар олиб бориш ва уларни ўрганиш билан бу гуруҳдаги муаммоларни аниқлаб гуруҳ билан келажакда қандай ишларни амалга ошириш мумкинлиги ва қандай натижалар кутиш мумкинлиги бўйича кенг қўламдаги маълумотларга эга бўламиз. Бу йўналишда социометриянинг аҳамияти бекиёсдир.

Бу метод воситасида биз гуруҳдаги шахслараро муносабатларга, гуруҳдаги лидерлик, гуруҳ аутсайдерлигига, умуман гуруҳ ичидаги барча алоқаларга ойдинлик киритади. Шунингдек бу тадқиқот усули гуруҳ ичидаги барча ўзаро муносабатларни аниқлаштириб беради.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунга келиб гуруҳлар муаммоси устида бир неча фанлар мустақил изланишлар олиб бормоқда. Бироқ психология ва социология нуқтаи назаридан "гуруҳ", "жамоа", ва

"лидер" тушунчалари ўзига хос аҳамиятга эгадир. Унинг замирида гуруҳларнинг ижтимоий-психологик келиб чиқиши, шаклланиш жабҳалари, структураси, шахслараро муносабатлари ётади.

Кичик гуруҳлар ва социометрия методи устида кўплаб социолог ва психолог олимлар изланишлар олиб борганлар. Фарбдаги ва аввало АКШ даги, социологларнинг диққат эътиборини кичик гуруҳ бир – бирлари билан бевосита алоқада бўлган ва ўзаро биргаликда ҳаракат қиладиган одамларнинг бирлашмаси жалб этгандир. Кичик гуруҳга асосан ҳис – ҳаяжонга оид боғланишлар орқали ҳосил бўладиган умумийлик деб қаралади.

Одамларнинг фақат индивидуал-психологик ҳатти-ҳаракатларинигина эмас, балки ижтимоий муносабатлар таъсири остида намоён бўладиган хулқ-атворларини ўрганиш ва уни баён этиш қадимги дунёнинг буюк олимлари Сукрот, Афлотун, Арасту, Эпикур кабиларнинг асарларида учрайди. Чунончи, Афлотуннинг "Республика", Арастунинг "Сиёсат" ва "Этика" асарларида<sup>2</sup>, кейинчалик ўрта асрларда яшаб ижод этган мутафаккирлар – Форобийнинг "Фозил одамлар шахри", Берунийнинг "Қадимги авлодлардан қолган ёдгорликлар", Жалолиддин Румийнинг "Ичингдаги ичингдадир" каби асарларида шахснинг рухий ва этник (миллий) хусусиятлари, унинг турли хил урф-одатлари, анъаналари, удум ва маросимларини ўрганиш ва тушунтириб беришга бўлган интилиш кучли бўлганини кўрамыз.

Социометрия тушунчаси XIX аср охирида математик усулнинг ижтимоий ҳаётга тадбиқ қилиш оқибатида пайдо бўлди. Социометрияга XX асрда француз социология, файласуфи **Г. Д. Гурвич<sup>3</sup> (1894 – 1965)** ва америка руҳшунос олими **Я. Л. Морено (1892 – 1974)** лар томонидан асос солинган. Улар кичик ижтимоий гуруҳларда шахслараро муносабатларни

<sup>2</sup> Қаранг. "Социологический энциклопедический словарь" М.1998, с 103

<sup>3</sup> Қаранг. Морено Я.Л., Психодрама., вып.1., Нью-Йорк: Борисон Хаус, 1945г С78, Кэлвин С. Холл, Линдсей Г. Теория личности. М., 2002. - 265 с., Fromm E. The sane society. New York: Kinehart, 1955. -212 с. Крупская Н.К. Педагогические сочинения в 6-ти томах. М., 19781980. Столяренко Л.Д. Основы психологии. Р-на-Дону: Феникс, 2001. - 671 с., Юнг К.Г. Архетипы и коллективное бессознательное. In the Collected Works. Princeton University Press, 1961, Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности. М., 1991г

тадқиқ қилиш микросоциологияда социометрияни қўлладилар. Айниқса ижтимоий психологияда социометриянинг аҳамияти катта бўлди.

**Я. Л. Моренонинг** социометрия тизими **5 асосга** эга.

1. Кишиларнинг ўзаро хуш кўришлилик ва ёқтирмаслик асосидаги эҳтирос қуввати. Уларни аниқлаш социометриянинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.
2. Жамиятнинг «социал атоми» алоҳида индивид эмас, балким индивидларнинг биргаликдаги муносабатидан иборат. Бу алоқадорлик жараёни икки даражага эга: ўз – ўзидан юзага келувчи ва реал – бунда эҳтиросли шерик шу босқичда ўрганилади.
3. Социал гравитация қонуни.
4. Социологик қонун.
5. Социодинамик қонун.

Америкалик социолог **Чарлз Хортон Кули (1864-1929)** эмоционал алоқалар билан боғланган кичик ассоциацияларни белгилаш учун бирламчи гуруҳ атамасини қўллаган. **Кули** бирламчи гуруҳларни идеаллаштириб юборар эди, лекин бундай баҳолашга танқидий ёндашиш лозим. Масалан, оила ҳаёти ҳар доим ҳам тинч ва осойишта ўтмайди, оилаларда кўплаб нотекисликлар ва душманларча муносабат ҳам учрайди.

**А. С. Макаренко** ва унинг издошлари бўлган психолог ва педагоглар шахсда ўз жамоасига раҳбарлик қилиш ҳамда мўлжал олиш манбаи тарзида идрок этишдек муайян тенденция мавжудлиги ҳақидаги хулосага келишган эди. Жамоа фаолиятининг жамият мақсадларига кўра бирлашган одамлар гуруҳи эканлиги ҳақида **А. С. Макаренко** асослаб берган тушунча психология ва социология учун анъана бўлиб қолди<sup>4</sup>.

Шунингдек **А. И. Герценнинг** изоҳ беришича «асосий назарий эътиқодлардаги бирхилликни билдирадиган ( кишининг атеистик қарашлари) дин айнан бир хил бўлиши зарур»<sup>5</sup>.

<sup>4</sup> Умумий психология. Т.: Ўқитувчи, 1992й. 169 б.

<sup>5</sup> Умумий психология. Т.: Ўқитувчи, 1992й. 170 б.

**Битирув малакавий ишининг объекти.** Кўрсатилгин муаммо ва тадқиқот вазифаларидан келиб чиққан ҳолда объект сифатида ўрганилаётган гуруҳ аъзоларини кўрсатиш мумкин. Гуруҳ ичидаги шахслараро муносабатларнинг гуруҳдаги гуруҳий фаолиятдан бегоналашув жараёнига таъсирини ўрганишда ушбу гуруҳ аъзоларини ўзаро муносабати ва алоқасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

**Битирув малакавий ишининг предмети.** Шахсни камол топтирадиган ва тарбиялайдиган жамоа ўзи билан жамият ўртасидаги боғловчи бўғиндир. Мехнат жамоаси ўзининг юксак кўринишларида киши шахсини ҳар томонлама камол топтириш учун шарт-шароит яратади. Ўтказиладиган тадқиқот предмети гуруҳдаги шахслараро муносабатларнинг гуруҳдаги гуруҳий фаолиятдан бегоналашув жараёнига таъсиридир.

**Тадқиқотнинг илмий фарази.** Социологик жиҳатдан кичик гуруҳларда ишлашда социометрия методи қўлланилса, тадқиқот иштирокчиларининг шахслараро муносабатлари, гуруҳий бирдамлик ҳолати, очик, яширин, расмий ва норасмий лидерларни самарали аниқлаш механизмлари ишлаб чиқилган бўлар эди.

**Тадқиқот методлари.** Битирув малакавий ишда асосан социометрия методи қўлланилди. Шунингдек, ахборотни тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва сифат таҳлили қўлланилди.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар.**

1. Социологияда социометрия методини қўллашнинг маҳаллий менталитетга мос равишдаги усули апробациядан ўтказилди.
2. Кичик гуруҳларни социологик ўрганишда гуруҳ бирдамлиги кўрсаткичи ишлаб чиқилди.
3. Гуруҳий фаолиятдан четта қолган талабалар ҳолати ўрганилди

**Ишнинг илмий янгилиги.**

Эътиборли томони шундаки, Социометрия тушунчаси XIX аср охирида математик усулнинг ижтимоий ҳаётга тадбиқ қилиш оқибатида француз социологи, файласуфи Г. Д. Гурвич [1894 - 1965 ] ва америка рухшунос

олими **Я. Л. Морено [1892 – 1974 ]** лар томонидан асос солинган бўлсада, улар кичик ижтимоий гуруҳларда шахслараро муносабатларни тадқиқ қилиш – микросоциологияда социометрияни қўллашган. Айниқса ижтимоий психологияда социометриянинг аҳамияти катта бўлган. Битирув малакавий ишида мен маҳаллий менталитетга асосланган социометрия методи мослаштиришга ҳаракат қилдим ва тадқиқотлар асосида апробациядан ўтказдим. Ушбу методининг илмий янгилиги маҳаллий муносабатларга мослашган янги шахслараро гуруҳ бирдамлигини ўрганишнинг социологик усули қисман бўлсада шакллантирилди.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Шакллантирилган ушбу социометрия методини кичик гуруҳлар билан ишлайдиган жамоат ташкилотларига, ўқув муассасаларда ёшларни ижтимоий муносабатга киришишига кўмаклашадиган метод сифатида илмий ва амалий аҳамияти муҳим ўрин тутди.

**Ишнинг таркибий тузилиши.** Битирув малакавий иши кириш, уч боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловадан таркиб топган. Ишнинг кириш қисмида кичик гуруҳлар бўйича дастлабки тушунчалар берилган, мавзунинг долзарблиги кенг маънода ёритилган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, социолог ва психологларнинг кичик гуруҳлар ва социометрия методи ҳақида қарашлари ва фикрлари киритиб ўтилган.


1- боб Кичик гуруҳларнинг умумий тавсифи ва тузилиши деб номланган бўлиб у учта режадан ташкил топган: 1-режа Кичик гуруҳлар, уларнинг таърифи ва ўрганилиши бу режада кичик гуруҳларнинг таърифи, уларнинг тузилиши, ўзига хос хусусиятлари ёритиб ўтилган. 2-режа Кичик гуруҳлардаги шахслараро муносабатлар, жамоадаги алоҳида гуруҳларнинг интеграциялашуви ва жамоани бир хиллаштириш деб номланган бўлиб бунда гуруҳлардаги шахсларнинг ўзаро муносабатлари, гуруҳдаги лидерлик ҳолатлари, гуруҳ ичидаги ўзаро ёқтириш ва хуш кўрмаслик ҳолатлари, гуруҳлар бирлашуви бўйича маълумот бериб ёритиб ўтилган. 3-режа Кичик гуруҳлардаги шахслараро танлаш. Референтометрия деб номланиб

референтометриянинг қулайлиги ва афзаллик томонлари кенг ёритиб берилган.

2- боб. Кичик гуруҳларни социометрик ўрганиш деб аталиб бу боб икки режадан иборат: 1-режа Социометрия илмий тадқиқот усули сифатида пайдо бўлиши ва ўрганилиши бўлиб бунда социометрия илмий тадқиқот усули сифатида пайдо бўлиши фанга олиб кирилиш ва бунда олимлар саъй – ҳаракатлари бўйича маълумотлар берилган. 2–режа Социометрик тадқиқотларни ўтказишга доир талаблар, методнинг ўзига хос жиҳатлари тизими ва социометрик тадқиқотлар ўтказиш жараёни деб номланиб бунда социометрик тадқиқотларни ўтказишда қилиниши керак бўлган ишлар, кўйиладиган талаблар кенг ёритилган.

3-боб. Кичик гуруҳларни социометрия методи воситасида тадқиқ қилиш. Бу боб ҳам икки режадан: 1-режа Кичик гуруҳлардаги тарбиявий жараёнларни самарадорлигини оширишни ўрганиш бўйича ўтказилган социологик тадқиқот дастури ва 2–режа Тадқиқотни ўтказиш , натижалар таҳлили ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш. Бунда кичик гуруҳларда ўтказилган социометрия воситасида тадқиқот дастури , тадқиқот натижалари, кўрсаткичлари ва амалий тавсиялар ўрин эгаллаган.


Илова қисмида кичик гуруҳларни ўрганишга доир илмий ишлар олоиб борган олимлар ҳақида маълумотлар киритилган. Хулоса қисмида эса иш юзасидан умумий хулосалар ва тадқиқот натижалари ёрдамида қилиниши керак бўлган ишлар ва тавсиялар бериб ўтилган.



*Биз ўз фарзандларимизнинг бахту  
саодатини иқболи ва қамолини кўришни  
истар эканмиз, маҳалла – қуйдаги*



## **1.1§. Кичик гуруҳлар, уларнинг таърифи ва ўрганилиши.**



Француз файласуфи ва драматурги Жан – Поль Сартр таъкидлашича, жаҳаннам бу бошқа одамлардир. Ҳақиқатдан, кўпчилик ҳолларда бошқалар билан муомала қилиш инсонга малол келиши мумкин. Инсонни ноқулай аҳволга, ҳатто, руҳий тушкунликка тушириш йўлларида бири – бу унинг бошқалар билан муносабатларини қамоқхоналарда бўлгани каби яқин ва узлуксиз қилиб қўйишдир<sup>6</sup>. Бироқ бундан ҳам қатъий жазо чораси – инсонлар билан алоқадан умуман маҳрум қилишдир. Инсоннинг яқка ўзини қамаб қўйиш, ҳатто бошқа баъзи қулайликларга ҳам руҳсат этилса ҳам, кўпчилик учун чидаб бўлмас уқубатлардир. Бошқалар билан бир гуруҳларда, бирлашмаларда ва ташкилотларда яшаш, ҳамкорлик қилиш – инсон ҳаётининг ажралмас жиҳатидир.

Биз мансуб бўлган барча гуруҳлар биз учун бир хил аҳамиятга эга эмас. Баъзи гуруҳлар ҳаётимизнинг кўплаб жиҳатларини қамраб олади ва бошқалар билан шахсий алоқалар ўрнатилишига сабаб бўлади. Америкалик

<sup>6</sup> Гидденс Э. Социология. Т. « Шарқ » 2002й.б 313.

социолог **Чарлз Хортон Кули (1864-1929)** эмоционал алоқалар билан боғланган кичик ассоциацияларни белгилаш учун бирламчи гуруҳ атамасини кўллаган. **Кули** бирламчи гуруҳларни идеаллаштириб юборар эди, лекин бундай баҳолашга танқидий ёндашиш лозим. Масалан, оила ҳаёти ҳар доим ҳам тинч ва осойишта ўтмайди, оилаларда кўплаб нотекикликлар ва душманларча муносабат ҳам учрайди.

Гуруҳ – бу мунтазам равишда бир – бирлари билан ҳамкорлик қиладиган инсонлар тўпламидир. Бу мунтазамлик дўстона муносабат, бирдамлик ва умумий урф – одатлар шаклланишига олиб боради.

Кўпчилигимиз гуруҳларга (масалан оила) ва шунингдек мактаб, коллеж, фирмалар каби турли хил йирикроқ ташкилотларга мансубмиз. Гуруҳ ва ташкилотлар ҳаётимизни бошқаради ва улардаги ҳукумат тизимлари хулқ – атворимизни чеклаб, унга бевосита таъсир ўтказади.

Ижтимоий гуруҳ тушунчаси унга яқин бўлган икки тушунча – агрегат ва ижтимоий категория тушунчалари билан адаштирмаслик лозим.

Ижтимоий гуруҳ – бу мунтазам равишда бир – бирлари билан ҳамкорлик қиладиган инсонлар гуруҳидир. Бундай мунтазамлик уларнинг баъзи ижтимоий характерини яқинлаштиради. Гуруҳ аъзолари бошқалардан кутмайдиган маълум ҳатти – ҳаракатларни бир – бирларидан кутадилар. Гуруҳлар катталиги турлича бўлиши мумкин. Масалан, оила ёки йирик спорт клублари каби.

Агрегат (ижтимоий мажмуа) – маълум вақтда бир жойга тўпланган, лекин ораларида ҳеч қандай алоқа бўлмаган инсонларнинг жамулжамидир. Аэропортдаги йўловчилар, кинодаги томошабинлар, ўқув курсига ёзилишга навбатга турган талабалар – барчаси агрегат жамоага мисоллардир. **Ирвин Гоффман** сўзлари билан айтганда, агрегатлар – ноаниқ муносабатга эга бўлган инсонлар жамоасидир. Албатта, агрегат ичида ҳам турли хилдаги гуруҳ муносабатларини кузатиш мумкин.

Ижтимоий тоифа статистик гуруҳ бўлиб, инсонларнинг аниқ тавсифига, масалан, даромад даражаси, профессионал ҳолатига қараб

таъсирини белгилайди. Бир ижтимоий тоифадаги инсонлар бир жойда тўпланмайдилар, бир – бирлари билан алоқа қилмайдилар, ўзларини бирлаштирадиган умумий тавсифларига эътибор бермайдилар. Бирок ижтимоий тоифалардан, социологик тадқиқотларда тез-тез фойдаланиб турилади. Масалан, Британиядаги ирқий муносабатларни ўрганадиган бўлсак, икки статистик тоифа, яъни оқ ва қора танлилар даромад даражаси ўртасидаги фарқни таҳлил қилишимиз керак бўлади.

Гуруҳ муайян белгига, синфий мансубликка, биргаликда фаолият кўрсатишнинг мумкинлигига алоқадор бўлган ижтимоий жамоа ҳисобланади. Гуруҳларнинг тавсифланиши ҳам шунга мувофиқ тарзда бўлиб, кичик ва катта гуруҳларга бўлинади, ўз навбатида, улар ҳам шартли равишда формал (расмий) ҳамда ноформал (норасмий) гуруҳларга бўлинади. Ривожланиш даражаси турлича бўлган, яъни ривожланган ва етарли даражада ривожланмаган ёки кам ривожланган гуруҳларга, уюшмаларга, бирлашмаларга, аралаш гуруҳларга бўлинади.

Катта гуруҳлар умумий макон ва замонда ҳаёт кечираётган анчагина одамларни ўз таркибига олган социал умумийликни ташкил қиладиган реал гуруҳлар шаклида бўлиши мумкин. Бу хилдаги катта гуруҳларга корхонанинг меҳнат жамоаси ёки кўпгина ўқитувчилар бир – бирлари билан бевосита ўзаро алоқада бўлмасалар ҳам, лекин айна чоғда ягона битта раҳбарга бўйсинадиган, битта партия ёки касаба уюшмаси ташкилотига кирадиган, мактаб ҳаётига оид ҳамма учун умумий ҳисобланган ички тартибнинг барча қоидаларига амал қиладиган каттагина бир мактабнинг педагоглар жамоаси киритилган бўлиши мумкин. Катта гуруҳлар баъзи бир белгиларига биноан ажратиладиган ва бирлаштириладиган шартли гуруҳлар шаклида бўлиши ҳам мумкин.

Катта шартли гуруҳга киритилган кишилар ҳеч қачон бир – бирлари билан учрашмаган бўлсалар ҳам, лекин бир хилдаги гуруҳга ажратилгани учун асос бўлган белгиларига кўра умумий социал - психологик тарифга эга бўлишлари мумкин. Жумладан успиринлар турли шаҳар ва қишлоқларда

истиқомат қилишларига боғлиқ бўлмаган ҳолда битта катта шартли гуруҳга бирлаштирилиши, эҳтимол, улар турли халқларнинг тилларида сўзлашишлари, ҳеч қачон бир жойга йиғилмаган бўлишлари мумкин ва хоказо. Уларнинг умумий социал, психологик таърифлари асосий белгиларига кўра бир – бирларига ўхшаш бўлади. Катта шартли гуруҳларни ўрганиш уларнинг умумий хусусиятлари фарқланиши натижасида гуруҳларда иш олиб боришнинг илмий асосланган стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш имконини беради. Шартли гуруҳ сифатидаги ўспиринлар шахсияти ривожланишининг умумий қонуниятларини билган ҳолда педагог мактабда ва мактабдан ташқари муассасаларда тарбиявий ишни собитқадамлик билан ва самарали тарзда олиб боради.

Катта гуруҳлар умумий макон ва замонда ҳаёт кечираётган анчагина одамларни ўз таркибига олган ижтимоий хусусийликни ташкил қиладиган реал гуруҳлар шаклида бўлиши мумкин.

Катта гуруҳлар баъзи бир белгилари (синфий, жинсий, миллий, ёш ва бошқа белгилари) га биноан ажратиладиган ва бирлаштириладиган шартли гуруҳлар шаклида бўлиши ҳам мумкин. Катта шартли гуруҳга киритилган кишилар ҳеч қачон бир-бирлари билан учрашмаган бўлсалар ҳам, лекин бу хилдаги гуруҳга ажратилиши учун асос бўлган белгиларига кўра, умумий ижтимоий ва психологик таърифга эга бўлишлари мумкин.

Катта гуруҳлардаги (катта муҳит) ижтимоий-психологик ходисалар ўрганилади. Бунга миллий урф-одат, характер, турли синф ва ижтимоий қатламларга хос психологик хусусиятларнинг вужудга келиш қонуниятларини ўрганиш, шунингдек оммавий ахборот воситалари (радио, телевидение, матбуот, интернет ва бошқалар)нинг кишилар жамоасига кўрсатадиган таъсири ва унинг механизмлари, ижтимоий қадрият, кишилар ўртасида модаларнинг вужудга келиши ва унинг ёйилиши, турли-туман миш-мишларнинг тарқалиши каби масалаларни ўрганиш киради.

Кичик гуруҳлар, одатда, унчалик кўп бўлмаган икки кишидан тортиб бир неча ўн кишини бирлаштиради. Кичик гуруҳларга: оила, ўқув

масканидаги гуруҳлар, ишлаб чиқариш корхоналаридаги бригадаларни киритиш мумкин. Кичик гуруҳ бирламчи ва микрогуруҳ деб ҳам юритилади. Бу гуруҳда шахсий муносабат ва алоқалар бевосита ва мустақкам асосга қурилган бўлади. Кичик гуруҳнинг жамиятда тутган ўрни ҳақида гапирганда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:<sup>7</sup>

1) инсон боласи ўзига мансуб бўлган гуруҳ аъзолари билан ижтимоий муносабатларга киришгандагина, у шахс бўлиб вояга етади. Жамиятдан ташқарида инсон шахс бўлиб вояга етмайди, жамият эса кичик-кичик гуруҳлардан ташкил топган йирик ижтимоий организмдир. Шахсга хос бўлган қайси бир хусусиятни: сахийлик ёки хасислик, ростгўйлик ёки ёлғончилик, камтаринлик ёки такаббурлик ва шунга ўхшаш юзлаб хусусиятларини олиб ўрганадиган бўлсак, унинг барчаси ижтимоий характерга эга эканлигини биламиз;

2) гуруҳ доимо шахс фаолиятига у ёки бу даражада таъсир кўрсатиб, унинг хулқ-атворини назорат қилиб туради. Шахснинг гуруҳда бажарадиган фаолияти билан танҳоликда ўзи бажарадиган фаолияти ўртасида тафовут мавжудлиги эксперимент асосида ўрганилган;

3) кичик гуруҳларда мақсадлар ва фаолиятнинг умумийлиги мавжуд бўлади. Биргаликда қилинадиган фаолият гуруҳий онгни пайдо қилади, яъни маълум гуруҳга мансублик унда мавжуд бўлган тартиб – қоидаларга бўйсунуш, бурч, масъулият, вазифаларни англаш шаклланади;

4) кичик гуруҳга таъсир этиб турувчи лидернинг (пешқадам) ажралиб чиқиши, унинг тан олинishi гуруҳ фаолиятига таъсир кўрсатади.

Қатор амалий ва назарий мақсадлар кичик гуруҳга хос бўлган қонуниятларни чуқурроқ билиб олишни тақозо қилади. Буларга қуйидагилар киради:

а) жинойтчиликка қарши курашишда ва уларнинг олдини олишда, жамиятда қонунбузарлик ва жинойтларни тўлдирувчи ижтимоий – психологик омиллар ўрганилади;

---

<sup>7</sup> [http:// www.uzvip.uz/download](http://www.uzvip.uz/download)

б) психологик мос келиш масалаларини ўрганиш, қийин, мураккаб шароитларда ишлаш учун шерик танлаш масаласи;

с) гуруҳ тузилиши, унинг структураси, миқдорини билиш. Фаолият характериға кўра, гуруҳ миқдори ҳар хил бўлиши мумкин.

Гуруҳ аъзолари ўртасида мавжуд бўлган ўзаро алоқалар мақсад ва характериға кўра барча гуруҳларни расмий ва норасмий гуруҳларға бўлишимиз мумкин. Оила, ишлаб чиқариш бригадаси, самалёт ёки космик кема экипажи, ўқувчилар синфи кичик гуруҳ сифатида қараш мумкин. Баъзи кичик гуруҳ ичида бирламчи гуруҳлар мавжуд бўлиши мумкин. Бундай гуруҳ унчалик катта бўлмай, унинг аъзолари 2-7 кишини ташкил этади. Унинг аъзолари кичик гуруҳнинг аъзолари бўлиш билан бирға, мустақил уюшма бўлиши мумкин.

Шартли гуруҳ – фақатгина ном жиҳатдан мавжуд бўлган кишиларнинг уюшмасидир. Шартли гуруҳға кирувчи кишилар бир-бирлари билан ҳеч вақт учрашмасликлари ҳам мумкин, лекин шу билан бирға гуруҳға ажратиш бўйича умумий, ижтимоий ва психологик хусусиятларға эға бўлади. Масалан, ўсмирлар мамлакатимизнинг қайси шаҳар ва қишлоғида яшашидан, ҳеч қачон бир ерға тўпланмасликларидан қатъий назар шартли гуруҳға бирлаштирилиши мумкин.

Реал гуруҳ – ҳақиқатдан мавжуд бўлган кишиларнинг уюшмасидир. Бу гуруҳдаги кишилар реал алоқа ва муносабатлар мақсад ва вазифалар билан ўзаро боғланган бўладилар. Реал гуруҳ қисқа вақт давомида ёки узоқ муддат давомида мавжуд бўлиши, сон жиҳатдан кўп ёки кам бўлиши ҳам мумкин.

Расмий гуруҳ - расмий ҳужжатлар асосида тўпланган гуруҳ (устав, штат), ишлаб чиқаришдаги таъминот бўлими, олий ўқув юртидаги талабалар иш юзасидан расмий гуруҳлардир. Бундай гуруҳ аъзолари ўртасида иш юзасидан бўладиган алоқалар ўрнатилади. Бу алоқалар ҳам ҳужжатда кўзда тутилган бўлади. Улар бўйсунуш ёки тенг ҳуқуқликни, топширик бажаришдаги жавобгарликнинг кўп ёки кам бўлишини кўзда туттади.

Норасмий гуруҳ - психологик мотивациянинг ягона йўналиши асосида симпатия, қарашларнинг яқинлиги, эътиқод асосида вужудга келади. Бунда расмий ҳужжатлар ҳеч қандай кучга эга эмас. Агар симпатия ва ўзаро боғлиқлик йўқолса, гуруҳ ҳам тарқаб кетади.

Референт гуруҳ (эталон гуруҳ) - бу реал ёки ҳаёлан мавжуд бўлган гуруҳ бўлиб, унинг қарашлари, қонун-қоидалари намуна бўлиб ҳисобланади. Гуруҳ нормаларини тан олувчи уларни энг яхши деб ҳисобловчи ва уларга қўшилувчи шахс шу гуруҳга кириши мумкин. Бунда шахс бу нормаларга қўшилибгина қолмай, уларни ҳимоя қилади ва зарур бўлса, ташвиқот қилиши мумкин.

Расмий гуруҳда гуруҳнинг ҳар бир аъзоларини тутган ўрни, ҳуқуқ ва бурчлари, қатъий нормалари, қоидалари асосида белгилаб қўйилган бўлади. Шу нормалар асосида шахслараро муносабатлар вужудга келади. Хизмат вазифаларини бажариш характери, масъулият даражаси ва гуруҳ фаолиятига қўшган ҳиссасига қараб гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси ўз мавқеига эга бўлади.

Норасмий гуруҳда аниқ мақсадлар белгиланмаган кишилар ўртасидаги муносабатлар эса ҳиссий-психологик туйғулар орқали қўшилган бўлади. Норасмий гуруҳдаги муносабатлар маълум бир тузилишга, нормаларга эга бўлиши ҳам мумкин. Агар норасмий гуруҳ расмий гуруҳ ичида бўлса, у жамоадаги гуруҳ дейилади. Бундай гуруҳ аъзоларининг аксарияти бир-бирларини яхши билган кишилар бўлади.

Ҳозирги кунда бутун дунёдада турли хил жиноий норасмий гуруҳлар мавжуддир. Уларнинг мақсад ва вазифаларини гуруҳ лидери белгилайди. Турли экстремистик-террористик, уюшган жиноий гуруҳлар ҳамда диний-экстремистик гуруҳлар буларга мисол бўла олади. Уларнинг асл мақсади ҳар хил террористик ҳаракатлар, омма орасида миш-мишлар тарқатиш, оммани турли диний-экстремистик ғоялар билан захарлаш, давлат тўнтаришини уюштириб, ҳокимиятни қўлга олиш, динлараро ва миллатлараро адоват ва

нафратни кўзғатишдир. Бу норасмий гуруҳлар асосан кичик гуруҳларни ташкил этади<sup>8</sup>.

Иккиламчи гуруҳ – доимий тарзда учрашиб турадиган, лекин шахсий алоқаларга эга бўлмаган инсонлар гуруҳидир. Албатта, ҳаётда бирламчи ва иккиламчи гуруҳлар ўртасидаги фарқ унчалик яққол сезилмайди. Масалан, кўмита мажлисларида доимо учрашиб турадиган инсонлар дўстлашиб, кейинчалик норасмий учрашувлар ҳам ўтказиб туришлари мумкин.

Педагог ўз иши давомида фақат алоҳида ҳар ўқувчи билан иш олиб бормасдан, балки ўз таркибида, ўқувчиларни бирлаштирган турли хилдаги гуруҳлар – синф жамоаси, ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси, оила ва баъзан ўспиринни ўз таъсирига тортган кўча улфатлари ёки синфнинг ўзида бирор – бир етакчи теварагида бирлашган болалар тўдаси билан иш олиб боришга ҳам тўғри келади. Таълимнинг кичик гуруҳларда ишлаш усули «таълим берувчи – таълим оловчи» диалогидан воз кечишни ва «таълим берувчи - гуруҳ – таълим оловчи» кўринишидаги уч томонлама ўзаро муносабатга ўтишни назарда тутаяди. Ўқув гуруҳи, таркиби бўйича ҳаракатчан кичик гуруҳларга бўлинади ва уларнинг ҳар-бири ўзича ўқув материални ўзлаштиради. Тажриба шуни кўрсатадики, шу туфайли сиз билан таълим оловчилар ўртасида анча мустаҳкам контакт ўрнатилади, шахсий ва бир вақтнинг ўзида таълим жараёнида жамоавий руҳий ҳолат кучаяди<sup>9</sup>.

Таълим оловчиларнинг ҳамкорликдаги ҳаракати ташкиллашади, бу эса, ўқув-билиш жараёнини фаоллаштиришга, уларда эмпатияни, коммуникативликни шакллантиришга кўмаклашади.<sup>10</sup>

-вазифани ҳамкорликда бажариш жараёнида, таълим оловчиларда, ўртоқлари томонидан билдирилган фикрларни муҳокама қилишга мотивация пайдо бўлади;

<sup>8</sup> [http:// www .jahongir .sitecity .ru](http://www.jahongir.sitecity.ru)

<sup>9</sup> Умумий психология. Т.: Ўқитувчи, 1992й. б 171-173.

<sup>10</sup> [http:// www .akadmvd .uz /bibl /94 .pdf](http://www.akadmvd.uz/bibl/94.pdf)

-таълим олувчилар бир-бирига саволлар берадилар, шунинг учун, улар саволларни аниқ шакллантиришни билишлари зарур, жавобларни-аргументлаштиришни, тушунишга эришиш учун эса, улар бир бирларини диққат билан эшитишлари керак;

-гуруҳларда ишлаш пайтида, зарурати бўлганда, таълим олувчилар ёрдам беришларини сўрайдилар ва бошқаларга ёрдам беришни ўрганадилар.

Ҳар бир таълим олувчининг потенциал имкониятларини ривожланиши ва амалга оширилиши таъминланади:

-қобилиятли ва иқтидорли болалар, уларни «мақтанганлик» ларида айблашларидан чўчимасдан ўз қобилиятларини кўрсатишлари мумкин. Улар, гуруҳда нафақат таълим берувчи ролида бўлишлари, балки таълим олувчи ролида ҳам бўлишлари мумкин ва таълим берувчи ролидаги ўз ўртоқлари томонидан баҳоланиши, рақиб бўлмасдан улардан ўрганиши мумкин;

-ўртача қобилиятга эга ёки характери бўйича кўрқоқ болалар ўз билимлари ва маҳоратларини намоён қилиш имкониятини оладилар. Кичик гуруҳларда ишлаш, уларни стресс ҳолатлардан халос этади, яъни нотўғри жавоб берганда бутун жамоа олдида изза бўлишдан кўрқидан холи бўлади. Гуруҳ аъзолари, жавобни дўстона баҳолаб, уларда ўзига ишонч туйғусини уйғотиш имконини берадилар. 4-5 кишидан иборат гуруҳда, кўрқоқ киши, 25 кишилиқ гуруҳ олдида ўзини тутишга нисбатан, ўзини анча эркин ҳис этади;

Таълимнинг ушбу шакли, таълим олувчилар билимини ўзаро ҳамкорликда бойишини таъминлайди: фақатгина кооперация ва ҳаракатлар (билиш) усуллари билан ўзаро алмашиш умумий маҳсулот олиш - муаммони ечиш имконини беради. Шунинг учун, гуруҳда таълим беришда, биз, жамоавий муҳокама қилишдан, ўзаро консультациялар беришда максимал фойдаланамиз.

Гуруҳларда ишлаш, атрофдагиларга бўлган муносабатни ўзгартиради, "мен ва улар"дан "биз"га ўтишни таъминлайди ва ўзини гуруҳнинг бир бўлаги сифатида ҳис қилиш имконини беради.

Шу муносабат билан ўқитувчи гуруҳлар ва жамоаларнинг асосий социал-психологик қонуниятларини билиши шарт .

Кичик гуруҳлар – ҳамиша боғланган умумийлик бўлиб, унга кирувчи шахсларнинг ўзаро биргаликдаги реал ҳаракати ва улар ўртасидаги реал ўзаро муносабатлар билан боғлангандир . Бу гуруҳлар расмий бўлиши, яъни юридик жиҳатдан қайд этилган ҳуқуқ ва бурчларга, норматив асосида ўрнатилган структурага, тайинлаб ёки сайлаб қўйилган раҳбарликка эга бўлиши мумкин. Ижтимоий меҳнат тақсимоли шароитларида бу гуруҳлар социал жиҳатдан такозо этилган фаолият кўрсатиши билан боғлангандир. Мактаблардаги синфларда камолот гуруҳи ана шундай расмий гуруҳ ҳисобланади, ўқувчиларнинг социал жиҳатдан муҳим бўлган фаолиятини йўлга қўйишда уларнинг роли ва аҳамияти бекиёсдир .

Шунингдек, юридик жиҳатдан қайд этилган статусга эга бўлмаган, аммо таркиб топган шахслараро муносабатлар (дўстлик, хайрихоҳлик, ҳамжихатлик, ишонч ва шу қабилар) системаси билан ифодаланадиган норасмий (қўпинча уларни ноформал деб ҳам аташади) гуруҳлар ҳам алоҳида ажралиб туради. Улар алоҳида ажралиб турадиган умумийлик (масалан, турли мактаблар ва ҳунар техника билим юр்தларининг мотоцикл спортига қизиқишлари умумийлиги негизида бирлашган бир қанча ўқувчиси) сифатида юзага чиқиши ва расмий гуруҳлар ичида етарли даражада барқарор тус касб этиши (синфдаги дўстона улфат тарзига кириши) мумкин. Ниҳоят расмий гуруҳ ўзининг барча таърифларини сақлаб қолган ҳолда норасмий гуруҳларнинг барча фазилатлари (мустаҳкам дўстлик алоқалари, гуруҳ аъзоларининг ўзаро хайрихоҳлиги ва шу қабилар) га ҳам эга бўлишлари мумкин. Шундай қилиб, расмий ва норасмий гуруҳлар ўртасидаги чегаралар шартли ва нисбийдир. Ўқувчиларнинг бу хилдаги норасмий гуруҳларини шакллантириш ўқитувчи олиб бориши лозим бўлган тарбиявий ишнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бундай гуруҳларнинг мавжудлиги мактаб ўқувчилари кирадиган ўша расмий гуруҳларни мустаҳкамлаган ва уларни фаолиятини бойитган бўлур эди .

Ҳар қандай (катта ва кичик) гуруҳлардаги муомала ва фаолият ана шу гуруҳларга кирадиган одамларнинг ҳаёт тарзини белгилаб берадиган ҳамда уларнинг қадриятларини, идеалларини, эътиқодларини, дунёқарашини шакллантирадиган ижтимоий муносабатлар билан белгиланади ва йўналтириб туради. «Индивид – бу ижтимоий мавжудотдир унинг учун унинг ҳаёт кечириши қандай кўринишда бўлмасин ва агар у ҳатто бошқалар билан биргаликда кечириладиган бевосита коллектив ҳаёт кечириш шаклида юз бермаган тақдирда ҳам ижтимоий ҳаётнинг ифодаси ва тасдиғи бўлиб ҳисобланади».

Гуруҳлар ривожланишининг даражаси ёки савияси уларни таснифларининг энг муҳими ҳисобланади. Гуруҳий ривожланиш даражаси – шахслараро муносабатлар шаклланганлигининг белгиси, гуруҳлар шаклланиши жараёнининг натижасидир. Гуруҳнинг бу хилдаги ўлчови (параметри) рус психологиясида алоҳида ажратиб кўрсатилгандир. Ғарб психологиясида гуруҳнинг ҳаёт кечириш даври , коммуникациялар миқдори (гуруҳ аъзоларининг муайян вақт мобайнида бир – бирларига мурожаат қилганликларнинг сони), ҳокимият ва бўйсунувнинг таркиб топган муносабатлари ва бошқалар гуруҳлар шаклланганлигининг ўлчови сифатида ҳимат қилади . Рус психологияси гуруҳнинг фаолиятини, ундаги шахслараро муносабатлар характерини белгилайдиган қадриятлар ва мақсадларни гуруҳ тарзидаги ривожланиш даражасини аниқлаш учун асос сифатида қабул қилгандир. Ривожланиш даражасига кўра фарқланадиган гуруҳларнинг – коллективлар, социал йўналишдаги уюшмалар, аралаш, гуруҳлар, социал йўналишга зид уюшмалар ва бирлашмаларнинг психологик тоифаси ана шу аснода таркиб топади. Гуруҳ тарзида ривожланишнинг юксак даражаси жамоаларга хос фаолиятда ва шахслараро муносабатларда намоён бўлади .

### **Қисқача хулоса.**

Қисқача қилиб айтганда жамоа – мақсадлари жамият мақсадига мос келадиган умумий фаолият билан бирлашган одамлар гуруҳи. Жамоа ўспирин ва ёшларнинг шахсини шакллантириш учун энг кулай шарт – шароитлар яратиладиган бирлик ҳисобланади. Оила жамоаси, мактабдаги ўқув – тарбия жамоаси, корхона жамоаси, ниҳоят кечаги мактаб ўқувчилари ўрта маълумот олганидан кейин бориб қўшиладиган меҳнат жамоалари шундай бир ижтимоий муҳит ҳисобланадики, унда шахснинг вояга етиши ва ҳар томонлама ривожланиши юз беради.

### **1.2§.Кичик гуруҳлардаги шахслараро муносабатлар, жамоадаги алоҳида гуруҳларнинг интеграциялашуви ва жамоани бирхиллаштириш.**

Шахсни камол топтирадиган ва тарбияладиган жамоа ўзи билан жамият ўртасидаги боғловчи бўғиндир. Меҳнат жамоаси ўзининг юксак кўринишларида (зарбдорлик ҳаракатида, ёшларнинг меҳнат бригадаси ва шу қабиларда) киши шахсини ҳар томонлама камол топтириш учун шарт – шароит яратади. Жамоанинг психологик муаммоларини ҳал этишга педагогик жиҳатдан тўғри ёндашув шахслараро муносабатларнинг умумий назариясини яратишнинг энг муҳим шартидир.

Ҳар бир шахс ўз фаолиятини турли гуруҳлар шароитида ёки турли гуруҳлар таъсирида амалга оширади. Чунки жамиятдан четда қолган ёки инсонлар гуруҳига умуман қўшилмайдиган индивиднинг ўзи йўқ. Киши жамиятда яшар экан, у доимо турли инсонлар билан мулоқотда, ўзаро таъсирда бўлади, бу мулоқот жараёнлари эса доимо кишилар гуруҳида рўй

беради. Шунинг учун ҳам гуруҳлар муаммоси, уни ўрганиш ва гуруҳларни шаклланишига оид илмий хулосалар чиқариш социологиянинг асосий мавзуларидан ва муаммоларидан биридир.

Шахс ижтимоий мавжудот. У ўзининг ҳаёти давомида бошқа кишилар билан бевосита мулоқотда бўлади ва бу орқали ўзининг ижтимоий моҳиятини амалга оширади. Бундай мулоқот турли хил гуруҳларда руй беради.

Ғарбдаги ва аввало АКШ даги, социологларнинг диққат эътиборини кичик гуруҳ – бир – бирлари билан бевосита алоқада бўлган ва ўзаро биргаликда ҳаракат қиладиган одамларнинг бирлашмаси жалб этгандир. Кичик гуруҳга асосан ҳис – ҳаяжонга оид боғланишлар орқали ҳосил бўладиган умумийлик деб қаралади .

Турли хил социал – психологик ҳодисани тушуниб етиш учун ягона назарий асоснинг йўқлиги Америка социал психологиясига хос хусусият ҳисобланади. Ҳар бир гуруҳлардаги одамлар ҳулқ атворининг қонуниятлари аслини олганда билиб – билмасдан бўладиган боғланишга бориб тақалади, гуруҳ тазъийқ ўтказади, гуруҳ аъзолари эса гуруҳий тазъийқий бўйсунадилар ёки бўйсунмайдилар. Гуруҳ бир хил индивидларга яқинлашади, бошқаларидан эса ўзини четга олади ёки, аксинча, уларни ўз моҳиятидан чиқариб юборади; агар гуруҳ ичидаги алоқалар сони кўпая борса, у ҳолда гуруҳий алоқалар нафислашиб боради ва узилиб қолади.

Шахслараро муносабатлар жамоанинг жипслиги, ундаги психологик муҳитни жамоанинг унинг аъзолари томонидан идрок этилишини, шахснинг жамоадаги аҳволи ва ўзини ўзи ҳурмат қилишни, бир – бирларига тўла ишонишлари, хусусан жамоанинг истиқболлари муносабати билан шахснинг жамоадаги истиқболларини ва шу кабиларни тушуниб етиш учун коллективларни шакллантириш борасида ўтмишда орттирилган тажрибадан ва энг аввало, А. С. Макаренконинг тажрибасидан мувафакқиятли равишда фойдаланилади. Жамоа фаолиятининг жамият мақсадларига кўра бирлашган

одамлар гурухи эканлиги ҳақида А. С Макаренко асослаб берган тушунча психология ва социология учун анъана бўлиб қолди.<sup>11</sup>

Шахслараро муносабатларнинг бу хусусияти жамоанинг ўзини – ўзи белгилаши деб номлана бошлади. Жамоанинг ўзини ўзи белгилаши жамоа аъзосининг билвосита омилларга – эътикодлар, принциплар, идеаллар, биргаликдаги фаолият мақсадларига боғлиқ ҳолда ҳар қандай таъсирларга танлаб, яъни бир хилини қабул қилган ва бошқаларини рад этган ҳолда муносабатда бўлишида кўринади.

Бошқа жамоалар тизимида тутган ўрни ва алоқаларига қараб; бирламчи ва асосий жамоалар ажратилади. Шахс икки хил муносабатда - хизмат юзасидан бўладиган ва шахсий муносабатларда бўлади.

Хизмат юзасидан бўладиган муносабатлар гуруҳ таркиби билан бирга ҳужжатларда қайд этилади. Шахсий муносабатлар эса симпатия, боғлиқлик, дўстлик, ўртоқлик, антипатия асосида вужудга келади. Хизмат юзасидан бўладиган ва шахсий муносабатлар шахслараро тизимини ташкил этади.

Гуруҳ аъзолари бир-бирларига нисбатан бир хил ҳолатда бўла оладилар. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўзининг шахсий ва ишга таалуқли бўлган сифатларига, ўзининг мавқеига кўра гуруҳдаги шахслараро муносабатлар тизимида муайян ҳолатни эгаллайди. ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, айрим кишилар бошқаларига нисбатан кўпроқ обрўга эга бўладилар.

Эксперимент малумотларига кўра, синф жамоасида, яъни 30-40 ўқувчи ичида энг машҳур, обрўлиси 3-4 ўқувчи бўлиши мумкин. Уларнинг машҳурлиги қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

- Биринчидан, бунинг сабаби бу ўқувчиларнинг гуруҳнинг бошқа аъзолари билан алоқа ўрната олиш малакаларидир.
- Иккинчидан, шахс ўзининг билим ва малакалари туфайли, бу билимлар билан ўртоқлашиш, бошқа кишиларга беғараз ёрдам кўрсатишга интилиши сабабли машҳур бўлиши мумкин.

---

<sup>11</sup> Умумий психология. Т.: Ўқитувчи, 1992й. б 173- 177.

- Учунчидан, ташки кўриниши омили туфайли ҳам шахс гуруҳда авторитет қозониши мумкин. Бу омилга жисмоний куч кўрсаткичини ҳам киритиш мумкин.

Гуруҳ ёки жамоадаги баъзи аъзолар шахсий ўзаро муносабатлардан четда қоладилар. Улар бундай алоқалар ўрнатиш учун ўзларига шерик танлайдилар. Бироқ бу ушбу шахс жамоа томонидан хоҳланмайди, деган сўз эмас. Бу шахс иш юзасидан бўладиган муносабатларга киришадилар, унга берилган ролни яхши бажарадилар. Жамоа бу аъзосининг шахсий ўзаро муносабатларини жамоадан ташқарида яхши ўрнатилади.

Гуруҳда шахс яна шундай ҳолатда ҳам бўлиши мумкин, бунда уни гуруҳдошлари дўстликда, шахсий муносабатларда рад этадилар. Гуруҳдаги яккалаб қўйиш (изоляция) ва рад этиш сабаблари ҳам турлича бўлиши мумкин.<sup>12</sup>

- Биринчидан, рад этилувчи ўқувчиларнинг ўқишга бефарқ муносабатда бўлиши.
- Иккинчидан, баъзи ўқувчиларнинг синфдошлари томонидан рад этилиши улар билан бўладиган мулоқотнинг қизиқарли эмаслиги билан ҳам тушунтирилади.
- Учунчидан ажралиб қолганлик гуруҳдошлари билан алоқа ўрната олмасликка ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Жамоанинг ўзини ўзи белгилаши гуруҳий тазйиқ табиий равишда пайдо бўлган ёки махсус уюштирилган шароитларда шахснинг феъл – атвори гуруҳнинг бевосита таъсирга ва кишининг мослашувчанликка шахсан мойиллигига қараб эмас, балки асосан фаолиятнинг гуруҳда қабул қилинган мақсадлар ва вазифаларга, барқарор қадриятли мўлжалларга боғлиқ бўлган ҳолларда юз беради. Жамоанинг ўзини ўзи белгилаш аралаш гуруҳдан фарқли ўлароқ, жамоадаги гуруҳ тарзида тазйиққа нисбатан шахснинг жавоб тарзида таъсирланишининг устунлик қилувчи усули ҳисобланади ва унинг

---

<sup>12</sup> [http://www.el.tfi.uz/pdf/sotsj01\\_uzl.pdf](http://www.el.tfi.uz/pdf/sotsj01_uzl.pdf)

учун ҳам шахслараро муносабатларнинг алоҳида белгиси сифатида намоён бўлади.

Шундай қилиб, одамларнинг ижтимоий фойдали фаолиятни амалга ошириш учун бирлаштирадиган жамоаларда мослашувчанликнинг чинакам альтернативаси салбий фъел – атвори ( мослашмаслик ва бошқалар ) эмас, балки ҳақиқий жамоатчиликнинг гуруҳда шахснинг ўзини – ўзи белгилаши каби хусусиятга эга бўлган алоҳида белгиси эканлиги ҳақидаги гипотеза тасдиқланади.

Жамоанинг ўзини ўзи белгилаш ходисаси ўзига хос шундай бир «ҳужайрага» бўлиб чиқдики, унда жонли социал организм ҳисобланган жамоанинг энг муҳим социал – психологик хусусиятлари намоён бўлади. Иккита ёки бир нечта индивид ўртасидаги муносабатларни улар ўртасидаги бевосита алоқадангина иборат деб бўлмайди. Биргалашиб фаолият кўрсатадиган гуруҳларда бундай муносабатлар муқаррар равишда биргаликдаги фаолият мазмуни, қадриятлари ва мақсадлар билан белгиланади. Нисбатан бевосита ўзаро муносабатлар аралаш гуруҳларда қайд этилиши мумкин, жамоада эса улар асосан жамоа аъзоларининг биргаликдаги фаолияти туфайли келиб чиққан билвосита хусусиятга эга бўлади. Шундай қилиб, жамоа ўзининг психологик хусусиятларига кўра гуруҳий ривожланиш доирасида амалга оширилган тадқиқотлар доимий объект бўлиб қолган ўша кичик гуруҳлардан сифат жиҳатидан фарқ қилади. Унинг учун уларни ўрганиш жараёнида ҳосил қилинган хулосаларни жамоага татбиқ этишга уринишлар муваффақиятсизликка маҳкум этилаётгандир.

Агар аралаш гуруҳда ўзаро муносабатлар нисбатан бевосита бўлса, жамоада эса гуруҳий жараёнлар билвосита рўй беради ва даражалар иерархиясини ҳосил қилади.

Гуруҳий тузилишнинг марказий бўғини гуруҳий фаолиятнинг ўзидан, унинг мазмунли ижтимоий иқтисодий ва социал – сиёсий таърифлардан таркиб топади.

Биринчи қатлам гуруҳ аъзоларидан ҳар бирининг гуруҳий фаолиятга, унинг кўзлаган мақсадларига, вазифаларига, принципларига муносабатини, фаолиятнинг сабабларини, унинг ҳар бир иштирокчи учун социал моҳиятни қайд этади.

Шахслараро муносабатларнинг биргаликдаги фаолият мазмунидан (унинг мақсадлари, вазифаларидан, амалда юз беришининг боришидан), шунингдек гуруҳда қабул қилинган ва пировард натижада жамиятда мавжуд идеологик қурилмаларнинг акси ҳисобланган принциплар, ғоялар ва кадриятлар мўлжаллардан билвосита келиб чиқадиган таърифи ўрин олади. Афтидан, шахслараро муносабатларнинг турли хил ҳодисаларини, масалан, жамоанинг ўзини – ўзи белгилаши ва сал кейинроқ сўз юритиладиган бошқа ҳодисаларни айнан шунга киритиш керак. Фаол равишда билвосита ифода этиш – мавжудлик принципи ва иккинчи психологик стартни англаб етиш принциpidир.

Ниҳоят, шахслараро муносабатларнинг сўнгги, юзадаги қатлами фаолиятининг ва жамоа мақсадлари ва жамоа учун умумий аҳамиятга эга бўлган кадриятли мўлжаллар гуруҳ аъзоларининг шахсий алоқаларини билвосита ифодаладиган асосий омил сифатида юзага чиқмайдиган боғланишлар (асосан ҳис – ҳаяжонли боғланишлар) нинг мавжудлигини тақозо этади. Бу дегани бунақа боғланишлар, том маъноси билан айтганда, бевосита мазмунни англамайди. Хоҳлаган иккита одамнинг муносабатлари у ёки бу манфаатлар, дидлар ва бошқалар шаклида билвосита бўғинга эга бўлмаганлигини тасаввур қилиш қийин. Лекин гапнинг сирасини айтганда, гуруҳий фаолиятнинг мазмуни бундай боғланишларга таъсир кўрсатмайди, ёхуд жуда ҳам суёт даражада сезилади.

Аралаш гуруҳларга хос қонуниятларни жамоага тадбиқ этиш мумкин бўлмагани сингари жамоадаги шахслараро муносабатларнинг юзидаги қатлами ҳодисаларини ўрганиш жараёнида ҳосил бўлган хулосаларни ҳар ёқламалаштириш ва ундаги шахслараро муносабатларни моҳият жиҳатидан таърифлаш учун зарур деб ҳисоблаш нотўғри бўлур эди. Худди шунингдек

боғланишлар, гарчи етарли бўлмаса ҳам, маълумотларни ҳисобга олмасдан, яъни фаолиятида иштирок этаётганлар фаолиятининг социал моҳиятини, фаолиятнинг сабабларинива шу қабиларни аниқламасдан туриб, жамоага таъриф бериш учун муҳим ҳисобланади.

Жамоа – шахслараро муносабатлар биргаликдаги фаолиятининг ижтимоий қийматлари ва шахсий жиҳатдан аҳамияти орқали ўз ифодасини топадиган гуруҳдир. Унинг психологик жиҳатдан бошқа гуруҳлардан фарқи ҳам ана шундадир. Жамоанинг ўзини ўзи белгилаши кўринишларининг устунлиги ва мослашувчанлик таъсиротларининг сусайишигина эмасдир.

Демак, гуруҳий ривожланишнинг тегишли равишда анча ифодаланган даражаларини кўрсатадиган (ҳар бир конкрет гуруҳ бошидан кечириши мумкин бўлган сон – саноксиз оралиқ ҳолатлари билан бирга) қатъиян бешта позиция алоҳида ажралиб туради.

1. Билвоситаликнинг мумкин қадар юксак даражаси ва фаолиятнинг шахслараро муносабатларни билвосита ифода этувчи омилларнинг энг юксак социал қиммати бу – жамоадир.
2. Агар гуруҳда тегишли тарзда биргаликдаги фаолият мавжуд бўлса, шахслараро муносабатларнинг билвосита ифода эта оладиган энг юксак даражадаги социал йўналишга эга омиллар мавжуд бўлган тақдирда билвоситаликнинг энг паст даражаси бу – социал йўналишдаги уюшма (мисол учун талабаларнинг дўстона компанияси) дир.
3. Биргаликдаги фаолиятнинг йўқлиги билан боғлиқ билвоситаликнинг мавжуд эмаслиги. Бу – аралаш гуруҳ (мисол учун автобусдаги йўловчилар).
4. Шахслараро муносабатларнинг энг юксак даражада носоциал йўналишга эга бўлган билвосита омиллар мавжуд шароитлардаги қандайдир биргаликдаги фаолиятнинг паст даражада билвосита ифода этилиши (мисол учун безорилик қилувчи ўспиринлар гуруҳи). Бу – носоциал уюшмадир .
5. Фаолият воситасида ифода этишнинг энг юксак даражаси ва билвосита ифода этувчи омилларнинг энг юксак даражада аксилижтимоий, реакцион характерга эгаллиги. Бу – бирлашма( мисол учун мафия) дир.

Жамоанинг интеграциялашуви (ундаги алоҳида гуруҳларнинг бирга кўшилиши), яъни унда юз берадиган ички бирлик жамоалардаги муносабатлар учун хос бўлган жамоани идентификациялаш (айнан бир хил қилиш), қадриятли мўлжалланган бирлик сифатида жипслаштириш, биргаликдаги фаолият жараёнида муваффақият қозониш ва муваффақиятсизлик учун жавобгарликнинг юкланиши ва қабул қилиниши ходисаларида юз беради. Шахснинг муносабат ва фаолият жараёнида жамоанинг бошқа аъзолари билан сиғишувчанлиги унинг жамоадаги бирга кўшилиши натижасида рўй беради.

Жамоани айнан бир хил қилиш – бу хатти – ҳаракатларга ундовчи майлларнинг алоҳида бир хусусияти, бунда субъект маънавий принципларга таянган ҳолда жамоанинг бошқа барча аъзоларига ўзига қандай бўлса, шундай тарзда, ўзига ҳам ўз жамоасидаги бошқа барча кишиларга бўлганидек муносабатда бўлади. Жамоадаги бир хиллик шароитида «мен» ва «улар» деган зиддият «биз» деган тушунча орқали барҳам топади.

### **Қисқача хулоса.**

Хулоса қиладиган бўлсак ҳар қандай гуруҳ тузилишига кўра гуруҳ аъзолари нуфузи ва мақомининг ўзига хос даражасини акс эттиради. Унинг юқори қисмидан референтометрик ва социометрик тарзда танланадиган шахслар ўрин олади, энг орқада эса нореферент ва социометрик жихатдан суриб чиқарилган индивидлар туради. Мазкур иерархия зинапоясининг энг юқори босқичида гуруҳнинг пешқадами (лидери) жойлашади. Жамоа – шахслараро муносабатлар биргаликдаги фаолиятининг ижтимоий қийматлари ва шахсий жихатдан аҳамияти орқали ўз ифодасини топадиган гуруҳдир. Унинг психологик жихатдан

### **1.3§. Кичик гуруҳлардаги шахслараро танлаш.**

#### **Референтометрия.**

Гуруҳга социометрик жиҳатдан ёндашилган тақдирда хайрихоҳлик ва ёқтирмаслик шахслараро муносабатлар системасида танлашнинг асосий омили ҳисобланади. Киши бирор кишини айнан шу киши билан бирга бўлишни, муносабат боғлашни, ишлашни, дам олишни, вақтичоғлик қилишни хоҳлагани учун танлайди. Лекин хайрихоҳликка бир киши бошқасини алоҳида ажратиб кўрсатишга, гуруҳни ўзи учун энг муҳим белгилар бўйича табақалаштирган ҳолда кўпчилик орасидан танлаб олишга ягона асос сифатида қарамаслиги керак.

Кишининг ўз гуруҳи ўзини қуршаб турган воқеликда мўлжал олиш манбаи сифатида муносабатда бўлиши унинг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Бу тенденция меҳнат тақсимотининг қонуниятли оқибати ҳисобланади. Биргаликда фаолиятнинг ҳар бир иштирокчиси ушбу фаолиятнинг аҳамиятига молик шарт – шароитларга, мақсадлари ва

вазифаларига, умумий ишга ҳар бир кишининг ва унинг ўзи қўшган ҳиссасига бериладиган баҳодан, ўз шахсининг умумий фикр кўзгусида акс этган баҳосидан манфаатдордир. Буларнинг ҳаммаси шахслараро муносабатлар умумий иш воситасида, унинг жамоа олдига жамият томонидан қўйилаётган талаблардан, ижтимоий идеологиядан келиб чиққан мазмуни ва кадриятлари орқали намоён бўладиган жамоага кўпроқ хос бўлади.

Шахс гуруҳ аъзолари билан биргаликда ўзаро фаол ҳаракат қила борган ва унинг олдига қўйилган конкрет вазифаларни ҳал эта борган ҳолда ўзининг қимматли ниятларига эга бўлади. Уларнинг ўзлаштирилиши шахс фаолияти устидан гуруҳ томонидан реал амалга ошириладиган ёки шахс гуруҳга мансуб деб ҳисоблайдиган ўзига хос назорат олиб боришни, тақозо қилади. Гуруҳнинг кадриятларига, унинг фикрига қараб мўлжал олиш индивидни нуқтаи назари ва баҳоси унинг учун жуда ҳам муҳим бўлган кишилар доирасини алоҳида ажратиб олишга мажбур қилади. Бундай одамлар ўзига хос призма бўлиб хизмат қиладики, у шу туфайли ўзи учун аҳамиятга молик объектларни, мақсадларни, вазифаларни ва бошқа одамлар фаолиятининг усулларини кўришга ва баҳолашга – социал перцепция амалларини бажаришга интилади. Булар унинг учун бамисоли ўзини кўра бошлайдиган кўзгуга айланади. Афтидан, буларнинг ҳаммаси шахслараро муносабатларда афзал кўриш ва танлашнинг социометрик тадқиқотда учрамайдиган муайян принципини тақозо этиши керак.

Субъект ўзига ва бошқа одамларга баҳо беришда мезон бўлиб хизмат қиладиган фикрлари ва баҳоларини ўзлаштириш учун индивид томонидан танланадиган одамлар муносабатининг референт доираси ёки референт гуруҳи деб қаралади. Киши ўз ҳатти – ҳаракатларига, шахснинг фазилатларига, фаолиятининг жиддий муҳим ҳолатларига, шахсан қизиқадиган нарсаларига ва шу кабиларга унинг референт гуруҳи томонидан бериладиган баҳога қараб иш кўради. Индивид ҳатто ўз референт гуруҳи томонидан ўз шахсига берилган баҳо ҳақида ахборотга эга бўлмаган

ҳолларда ҳам унинг томонидан билдирилиши мумкин бўлган фикр тўғрисида тахмин қилиб кўрмаслиги мумкин эмас. Референт гуруҳнинг қодалари ва кадриятлари индивид учун доимий таъсир кўрсатувчи мўлжал бўлиб қолиши учун унинг реал ҳулқ - атвори ҳамиша ўша қодалар ва кадриятлар билан ўзаро боғланган бўлиши керак. У атрофдаги кўплаб кишилар орасидан унинг учун субъектив тарзда алоҳида фазилатга, алоҳида хусусият – референтлик хусусиятига эга деб ҳисобланганларни танлайди.

Референт гуруҳ. Ўз норма ва тушунчалари билан шахснинг ижтимоий муносабатларга киришишда, ҳулқ-атворларини бошқаришда ва намоён бўлишида етакчи таъсир этувчи гуруҳ – *референт гуруҳ* деб аталади. Бу атамани биринчи марта **1942 йил** америкалик психолог **Х. Хаймен** муомалага киритган. Шахс юқори баҳолайдиган гуруҳдаги норма ва муносабатлар, уларнинг юриш-туриши, ҳулқ – атвори унинг ички мезони бўлиб қолади. Шахс нафакат ўз ҳулқ-атворини, балки бошқаларнинг ҳулқ – атворини ҳам шу андаза орқали баҳолайди. Ҳар бир гуруҳда кишилар ўртасидаги муносабатлар **2 хил** кўринишда кечади:<sup>13</sup>

а) бевосита, яъни бир-бирини ёқтириш ёки ёқтирмаслик асосида;

б) бавоситалик асосида, бунда гуруҳдаги шахслараро муносабатлар гуруҳ фаолияти мақсадидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Америкалик социолог ва психологлар референт гуруҳларнинг бир неча турларини фарқлайдилар.

Норматив гуруҳлар. Шахс бу гуруҳдагиларни маъқуллайди, уларга амал қилишга ҳамиша тайёр бўлади. Бундай гуруҳларга, биринчи навбатда, оилани, диний ёки миллий уюшмаларни, касбий гуруҳларни киритиш мумкин. Масалан, ўзбек халқи учун дастурхон атрофига ўтирган захоти юзига фотиҳа тортиш, мезбонларнинг меҳмонларга "хуш келибсизлар" дейишлари норма ҳисобланади ва ҳар бир оилада шундай ҳаракатларга нисбатан ижобий установка шаклланади.

---

<sup>13</sup> Умумий психология. Т.: Ўқитувчи, 1992й. б 173-178.

Қиёслаш гуруҳлари. Шахс бу гуруҳга киришга, унинг маъқуллашига мухтож бўлмайди, лекин ўз ҳаракатларини йўлга солишда унга асосланади.

Негатив гуруҳлар. Шахс уларнинг ҳатти – ҳаракатларидан атайлаб воз кечади. Чунки бундай гуруҳлар унинг шахсий қарашларидан мутлақо фарқ қилади.

Диффуз гуруҳ стихияли, тасодифан тўпланган ва шахслараро муносабатлар бевоситалик асосида қурилган кишилар бирлигидир. Бу гуруҳлар миқдори бир неча кишидан минглаб кишини ташкил қилиши мумкин, масалан, автобус бекатида тўпланиб турган одамлар диффуз гуруҳига киради. Диффуз гуруҳ маълум вақт сақланиб турса, гуруҳий табақаланиш бошланади, яъни лидер ажралиб чиқади.

Референтлик субъектнинг ўзи учун аҳамиятли объектларга (фаолиятнинг мақсадлари ва вазифаларига, шунингдек уларни рўёбга чиқаришдаги объектив қийинчиликларига, можароли вазиятларга, биргаликдаги фаолиятда иштирок этувчиларнинг ва шу жумладан, шахсан ўзининг шахсий фазилатларига) нисбатан муносабати аниқ белгиланган вазиятда намоён бўлади.

Субъект билан мўлжал олиш объектлари ўртасидаги ўзаро нисбатни аниқ бошқа шахсга, жамоанинг бошқа аъзоси ёки аъзоларига мансуб қадриятли мўлжалларга мурожаат қилиш йўли билан амалга оширилади. Аҳамиятга эга бўлган ўша «бошқа биров» индивиднинг ўзи ва уни қуршаб турган барча кишиларни акс эттирувчи ўзига хос кўзгуга айланади. Табиийки, гуруҳ аъзолари турли даражадаги референтлик фазилатларига эга бўладилар ва танлашнинг йўналтирилганлиги, бировларнинг афзал кўриниши ва бошқаларнинг унчалик афзал кўринмаслиги ана шу ҳол билан изоҳланади.

Референтлик белгисига кўра афзал кўриш социометриядаги афзал кўришдан жиддий равишда фарқ қилади. Референтлик гуруҳ ичидаги фаолликнинг мазкур жамоамизда қабул қилинган қадриятлар орқали намоён бўладиган анча чуқурроқ қатламларида мужассамлашгандир индивид ўзини

куршаб турган дунёни фақат ўртоқларининг қадриятли мўлжаллари (эътиқодлари, нуқтаи назарлари, ўй – фикрлари) орқали идрок этиш имкониятига эга бўлиб қолмасдан, балки шу туфайли теварак атрофга нисбатан ўз муносабатини тўғрилаб олиш, ўзини яхшироқ тушуниб етиш ва баҳолаш имкониятига ҳам эга бўлади. Шахс ўз референт доираси билан муносабатга киришган шароитларида билиш субъекти тарзида унга ўзи муҳим деб ҳисобланган ўлчовлар бўйича баҳо беришга лаёқатли индивидларни англаган ёки англамаган ҳолда алоҳида ажратиб оларкан, ўзини ўзи билиш объектига айланиб қолади .

Шу тариқа гуруҳда танлаш ва афзал кўришга тамомила социометрик нуқтаи назардан ёндашиш – шахслараро муносабатлар талқинини ва гуруҳ ичидаги табақалашининг моҳиятини очикдан – очик камситиш, гуруҳ жараёнларга ва гуруҳда шахснинг тушуниб етилишига фаолиятлилиқ нуқтаи назаридан ёндашувни инкор этиш билан баробардир. Референт афзал кўришни ҳисобга олинмас экан, шахслараро муносабатлар психологияси ўта торайиб қолади.

Демак, ҳар бир шахснинг ўз референт гуруҳи мавжуд бўлиб, унинг талаблари билан у сўзсиз ҳисоблашади, унинг фикрига қараб мўлжал олади. Одатда у биттагина гуруҳ бўлмасдан, балки уларнинг муайян йиғиндисидир. Ўқувчилар бири учун оила ва шу билан бир қаторда ҳовлидаги болалар улфати, спорт жамиятидаги гимнастика секцияси, шунингдек отасининг дўсти ана шундай референт гуруҳи бўлиши мумкин, бошқа бир ўспирин учун эса ўқиётган синфи, ўқитувчилари, иккита ошнаси, ишқивоз филателистлар референт гуруҳи ҳисобланади.

Агар мазкур шахс учун референт ҳисобланган барча гуруҳларнинг талаблари, орзу – истаклари, манфаатлари, идеаллари ва бошқа барча қадриятли мўлжаллари у ёки бу даражада мос келса, ёхуд яқинроқ бўлса ва энг муҳими, ижтимоий аҳмиятга молик мақсадлар ва идеаллар билан боғлиқ бўлса дуруст. Лекин кўпинча шундай бўладикки, жумладан, ўспиринларнинг улфати ўқувчиларнинг оила учун мутлақо мақбул бўлмаган ота – онаси

йўналтириб келаётган барча мўлжалларга қарама – қарши баҳоларини, манфаатларини ҳатти – ҳаракатларини ва хоҳиш истакларини маъқул кўради ва ҳар томонлама қўллаб – қувватлайди. Ҳолбуки, бола униси билан ҳам, буниси билан ҳам ҳисоблашган ҳолда иш кўради. Натижада иккита бир – бирига қарама – қарши йўналишдаги референт гуруҳларга мансуб бўлган шахс жиддий ички ихтилофни бошдан кечиради тарбиячининг бу ихтилоф моҳиятини англаб олишигина унинг бартараф этилишини енгиллаштиради.

Боланинг, масалан, оила учун ёки синф учун қимматли, муҳим ва аҳамиятли бўлган барча нарсаларга кўп ҳолларда бефарқ эканлигини фактлари референт гуруҳнинг тарбиячи учун яширин, номаълум бўлиб келаётган фикрига қараб мўлжал олаётгани билан изоҳланади. «У ҳеч ким билан ҳисоблашмайди, унинг учун бирорта ҳам мўътабар одам йўқ, унга ҳеч ким таъсир ўткази олмайди», - таъкидлайди боланинг онаси ўқитувчи билан суҳбат қилаётиб. Баъзан педагог бундай нуқтаи назарга қўшиладики, бу жиддий психологик ва педагогик хатога айланиб қолиши мумкин. Шахсга зимдан оила мактабга нисбатан салбий фикрни шакллантириши эҳтимол тутилган таъсирчан референт гуруҳларнинг мавжудлиги аниқ бўлгунча бундай деб эътироф қилиш мумкин эмас .

Референтларнинг афзал кўриши фактини аниқлаш учун психологияда ишлаб чиқилган алоҳида меродологик усул – референтометрия қўлланилади.<sup>14</sup>

Референтометрия ғояси , бир томондан , синалувчига гуруҳнинг ҳар қандай аъзоси олдиндан танлаб олинган ва шубҳасиз аҳамиятли ҳисобланган объект ҳақида қандай фикрда эканлиги билан ( шу жумладан, синалувчининг шахсий фазилатлари хусусидаги баҳо билан ҳам) танишиш имконияти берилишидан, иккинчидан эса, бу хилда танланадиган шахслар сонининг катъиян чекланганлигидир. Бу ҳол синалувчиларни фикри ва баҳоси илгаралари бошқа барча одамларнинг эътиборини ўзига жалб қилган

---

<sup>14</sup> Умумий психология. Т.: Ўқитувчи, 1992й. б 173-178.

шахслар доирасининг юксак даражада танлаган бўлиши ҳақида қайғуришга мажбур қилади.

Референтлик ҳодисаларини референтометрик тадбир ёрдамида тадқиқ қилиш жуда қизиқарли натижаларга олиб келиди. Уларнинг ҳар бири коллективда афзал кўришлар ва танлашларнинг замирини референтлик белгиси ташкил этадиган алоҳида система мавжудлиги ҳақидаги гипотезани тамомила тасдиқлаб турганидан билса ҳам бўлади. Боғланишнинг бу системаси ҳам худди социометрик системага хос бўлгани каби расмий таърифларга эгадир. Референтометрик тадбир ниҳоят даражада тезкор ва қулай бўлиб, статусларнинг тузилиши (гуруҳда кимнинг қанақалиги) ҳақида, афзал кўришларнинг ўзаро баҳамжиҳатлиги ёки бунақа ҳамжиҳатликнинг йўқлиги ҳақида тасаввур туғдиради, танлашнинг сабабий моҳиятини аниқлаш, шунингдек аутореферентометрик эксперимент деб аталмиш тажрибани амалга ошириш (бунда синалувчи танлашлар системасида ўзининг ўрнини тахминан аниқлаб олади) имкониятини туғдиради, маълумотларни математик усуллар билан қайта ишлашга, уларни ёзма шаклда ифода этишга, танлашнинг харитаси ва матрицаларини тузиб чиқишга ёрдам беради ва ҳоказо. Лекин социометрик тармоқдан фарқли равишда танлашга хайрихоҳлик ёки хуш кўрмаслик эмас, балки қадриятли омил асос қилиб олинади.

Жамоанинг социал аҳамиятга молик фаолиятининг туб негизини ташкил этувчи қадриятлар айни пайтда гуруҳ ичидаги афзал кўриш ва референтлик белгисига кўра танлаш учун асос бўлади. Бу гуруҳий табақаланишнинг социометрияга қараганда, шубҳасиз, анча мазмунлироқ таърифи ҳисобланади. Агар социометрия гуруҳга нисбатан боғланишлар ташқаридан ва асосий ҳиссиётга оид бўлган қандайлир бирлик сифатидаги шахслараро муносабатларнинг нуқталар билан белгиланган хомаки кўринишини тақдим этса, унинг аъзолари ўртасидаги муносабатлар мазмунан намоён бўладиган жамоани социал – психологик жиҳатдан ўрганиш


референтлик кўрсаткичларни муқаррар равишда ҳисобга олинишини тақозо этади.

### **Қисқача хулоса.**

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак референтометрик топшириқда бизни қизиқтирган субъект (ёки субъектлар) учун аҳамиятли бўлган, унинг фикри ва нуқтаи назари билан ҳисоблашни зарурат деб биладиган шахслар доирасини аниқларкан психология ва социология педагогга танланган таъсир мақсадларини айтиб бериши мумкин. Референтлик фазилатига эга қилиб қўйилганлар учун референт ҳисобланган индивидга ўтказилган педагогик таъсир шахсларнинг мазкур бутун гуруҳига билвосита, етарлича кучли таъсир кўрсатишга кўмаклашади.

*Биз юз бераётган иқтисодий ислоҳотлар давлат томонидан амалга оширилиши, давлат бош ислоҳотчи эқанини эътироф этдик. Демак, сиёсий – маънавий ислоҳотларда ҳам, миллий тарбияни юқсалтиришда ҳам давлат бош ислоҳотчи бўлишини тан олишимиз керак ва тегишли қонунлар орқали*

*маънавий йўналишларнинг ройдвортини*



**2- боб. Кичик гуруҳларни  
социометрик ўрганиш.**

**2.1§. Социометрия илмий тадқиқот усули сифатида.**

Социометрия илмий тадқиқот усули бўлиб , у кишилар хулқи, хатти – ҳаракатлари, ўзаро муносабатларнинг тузилиши ва мазмунини сўраш ёки қайд қилиш орқали ўрганади.

Социометрик усуллар меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари, уюшмалар, оила ва бошқа гуруҳларда шаклланган муносабатлар тизимини тадқиқ этади. Шу боисдан ҳам социометрия социология фанининг муҳим қисмини ташкил этади.

Булардан ташқари жамоанинг психологик иқлимига бир қанча омиллар таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўқувчи, талабалар жамоасидаги маънавий психологик иқлимнинг ташкилотчиси – ўқитувчи, гуруҳ раҳбари ҳисобланади. Ҳар бир гуруҳ раҳбари жамоада нормал психологик иқлимни яратиш учун унга таъсир этувчи омилларни яхши билиши зарур. Чунки яхши ташкил этилган жамоада нормал психологик иқлим мавжуд бўлганда гуруҳ аъзоларининг ўзлаштириши, тартиб-интизомни сақлаши ҳам яхши йўлга қўйилади.

Гуруҳ ва жамоалардаги шахслараро муносабатларни ўрганишда кузатиш, эксперимент, турли хил суҳбат меъёрларидан фойдаланилади. Шахслараро муносабатларни ўрганишиш методларидан бири - социометрия методидир.

Бу методнинг моҳияти шундан иборатки, инсон у ёки бу кўрсаткич бўйича гуруҳ аъзоларини танлайди. Қилинган танлашлар асосида кишининг гуруҳдаги шахслараро муносабатлар тизимида тутган ўрни ҳақида хулоса чиқаради.

Демак, социометрия методи ёрдамида гуруҳ аъзолари ўртасидаги симпатия ёки антипатияни аниқлаш мумкин, социометрия методни оператив тарзда ўтказиш, унинг натижаларини эса математик равишда қайта ишлаш ва график тарзда ифодалаш мумкин.

Социометрия тадқиқот методи сифатида тан олиш билан бир қаторда унинг баъзи камчиликларининг ҳам кўрсатиб ўтиш зарур. Асосий камчилик шундан иборатки, социометрия методи мавжуд муносабатлар тузилишининг сабабларини имконини бермайди. Шунинг учун ҳам социометриядан олинган маълумотлар кузатиш, суҳбат, психологик – педагогик эксперимент натижалари билан тўлдирилиши лозим.

Социометрия методидан гуруҳ жамоа аъзолари ўзаро бир-бирларини яхши билган ҳолатлардагина, расмий иш юзасидан бўладиган ва шахсий муносабатлардаги ҳақиқий ўрнини аниқлаш, бирламчи гуруҳлар мавжудлиги

ёки мавжуд эмаслигини топиш, бирламчи гуруҳларнинг пайдо бўлиш ва тарқаб кетиш сабабларини аниқлаш мумкин.

Социометрия методининг моҳияти шундан иборатки, текширилувчига бирга қилинадиган ишлар ёки гуруҳ аъзоларнинг ишларини биргаликда бажаришга хоҳишлари тўғрисида саволлар берилади. Бериладиган саволлар танлаш кўрсаткичлари дейилади. Кучли ва кучсиз кўрсаткичлар фарқланади. Кучлилари чуқур ва барқарор муносабатлари, кучсизлари эса юзаки ва беқарор муносабатларни аниқлашга имкон яратади.

Кучли ва кучсиз кўрсаткичлар мазмун жиҳатдан турлича бўлиши мумкин, лекин улардаги умумий нарса-натижа, яъни шерик танлашдир.

Социометрик тадқиқотдан олинган малумотлар асосий социограммалар тузилади. Агар гуруҳ аъзолари сони 20 тадан кўп бўлса, социометрик матрица тузиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунингдек, натижаларни график равишда, занжир, учбурчак ёки юлдузча шаклида ҳам ифодалаш мумкин. Шундай қилиб, социометрия методи объектив ва аниқ малумотлар, яъни шахснинг гуруҳ ёки жамоадаги реал ҳолатини акс эттирувчи маълумотлар олишга имкон беради ва амалий мақсадларда фойдаланиши мумкин.

Социометрия усуллари кичик гуруҳлар, жамоалар тузилиши ва уларнинг ижтимоий – руҳий муҳитини тадқиқ этувчи самарали восита ҳисобланади. Айтиш мумкин, социометрия алоҳида шахсни жамоанинг таркибий қисми, ажралмас бўғини сифатида ҳам атрофлича ўрганиши мумкин.

Социометрия тушунчаси XIX аср охирида математик усулнинг ижтимоий ҳаётга тадбиқ қилиш оқибатида пайдо бўлди. Социометрияга XX асрда француз социологи, файласуфи **Г. Д. Гурвич [1894 - 1965]** ва америка рухшунос олими **Я. Л. Морено [1892 – 1974]** лар томонидан асос солинган. Улар кичик ижтимоий гуруҳларда шахслараро муносабатларни тадқиқ қилиш – микросоциологияда социометрияни қўлладилар. Айтиш мумкин, ижтимоий психологияда социометриянинг аҳамияти катта бўлди

**Социометрия атамаси** америкалик психолог ва ижтимоий психиатр **Ж.Морено** томонидан илмга олиб кирилган. Ж. Морено фикрича, шахслараро муносабатлар йиғиндиси муайян гуруҳ ижтимоий манзарасини яратиб, нафақат гуруҳ хусусидаги умумий ва яхлит фикрни шакллантиради, балки ҳар бир шахс руҳий – ботиний олами, интилиши ва қизиқишлари ҳақида ҳам атрофлича маълумот бера олади. Бундай тизим америкалик олим фикрига кўра, шахс ижтимоий ҳатти – ҳаракатлари мотивига ҳам таяниб, инсоннинг фаолият йўналишини белгилаб беради. Марксистик таълимот эса социометрия усулини алоҳида олинган гуруҳ замиридаги алоқалар тизимини ўрганишга имкон берувчи усул сифатида қараб, шахс ижтимоий ҳатти – ҳаракатлари мотивларини белгилаб бера олмайди, деб билади.<sup>15</sup>

Социометрия – кичик гуруҳларни таркибий таҳлил қилиш усули.

Социометрия (лотинча сўз *societas* – жамият ва юнонча сўз *metron* – ўлчамоқ маъносини англатиб) кичик ижтимоий гуруҳлардаги шахслараро муносабатларни, миқдорий муносабатларни миқдорий ўлчовлар асосида ўрганади . Унда кишиларнинг ўзаро бир – бирларини хуш кўриш , ёқтириш ва хуш кўрмаслик майллари ўрганилади .

**Я. Л. Моренонинг** социометрия тизими 5 асосга эга .

1.Кишиларнинг ўзаро хуш кўришлилик ва ёқтирмаслик асосидаги эҳтирос куввати. Уларни аниқлаш социометриянинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади .

2.Жамиятнинг ”социал атоми ” алоҳида индивид эмас, балким индивидларнинг биргаликдаги муносабатидан иборат. Бу алоқадорлик жараёни икки даражага эга ўз – ўзидан юзага келувчи ва реал – бунда эҳтиросли шерик шу босқичда ўрганилади.

3.Социал гравитация қонуни.

4.Социологик қонун.

5.Социодинамик қонун.<sup>16</sup>

---

<sup>15</sup>[http:// www.jahongir.sitecity.ru](http://www.jahongir.sitecity.ru)

<sup>16</sup> К. Юнусов. Социология ўқув қўлланма. Андижон 1997 й. 132 – б.

Кишилар ҳаёт фаолияти давомида ўзаро бир – бирларига нисбатан ижобий (симпатия) ёки салбий (антипатия ) туйғуларига эга бўладилар. Ҳар қандай кичик ижтимоий гуруҳ, ташкилот ва муассасанинг фаолияти унинг аъзолари ўртасидаги муносабатлар характериға кўп жиҳатдан боғлиқдир. Уларда ижтимоий муҳит қанчалик мусаффо бўлса, ижтимоий тизим фаолияти ҳам шунчалик муваффақиятли боради. Акс ҳолда, кичик гуруҳлар ва улардаги кишилар ҳаёти шунчалик қийин ва оғир кечади. Социометрия эса шу қийинчиликларни , номувофиқликни бартараф этишға хизмат қилади.

Жамият ривожланиши, ундаги кишилар ҳаёти ҳам бутун олам тортишиш қонунига бўйсунди. Худди табиатдагидек, жамиятда ҳам кишилар ўзаро гравитацион (ўзаро тортишишға асосланган) муносабатда бўлади. Табиатдагидан фарқ қилиб, жамият ҳаётида бу қонуният ўзига хос хусусиятларға эгадир. Ақл кучи, биоқувват, характер, темперамент, майл, тааб одат, тарбия, дид эътиқод ва шу каби ижтимоий – руҳий омиллар кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мураккаб гравитацион асосини ташкил қилади. Улар асосида кишилар ўзаро яқин «тортиладилар», дўстона, самимий муносабатда бўладилар ёки бир – бирларидан узоқлашадилар, адоватда бўладилар. Социометрия шу жараёнларни миқдорий жиҳатдан ўрганеди. Ўз навбатида миқдорий ўлчовлар сифатий кўрсаткичларни фарқлашға хизмат қилади.

Минг афсуски , собиқ Совет Иттифоқи даврида социометрияға синфий жиҳатдан ёндашилиб, буржуа таълимоти сифатида рад этилди. Социология фани бўйича нашр қилинган илмий адабиётларда, дарсликларда социометрия ўрганилмади.

Ҳозирда, бозор муносабатларининг таркиб топиб бориш жараёнида жамият ижтимоий ҳаётининг социодинамик тарзда ривожланишини социометрияда ўрганиш кўплаб ижтимоий – иқтисодий, мафкуравий, тарбиявий муаммоларни ечишға хизмат қилади. Иижтимоий – руҳий муҳитни мўътадиллаштиради. Шунинг учун ҳам кишилар ўртасидаги ижтимоий – руҳий муносабатларни ва туйғуларни ўрганиш фақатгина

назарий эмас, балки амалий аҳамият ҳам касб этади. Эмпирик социометрик тадқиқотлар жамият ҳаётини, ундаги кишилар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришда муҳим илмий қимматга эга.

Бизнингча, мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгандан сўнгги ҳозирги ривожланиш даврида жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида маънавий муносабатлар силсиласини бирламчи мезон сифатида баҳолашимиз илмий жиҳатдан асослироқдир.

Ижтимоий ҳаётимиз замирига анъанавий – тарихий қадриятларнинг сингиб бораётганлиги, асрлар оша жамиятнинг бош ва бирламчи ҳаракатлантирувчи кучлари сифатида маънавият, шахс омили ва муносабатлар тушунилиб ва тарғиб этилиб келаётганлиги сир эмас.

Халқимизда ўзаро муносабатлар масаласига доим бирламчи аҳамият бериб келинган. Халқ тарбия силсиласида мустаҳкам илдиз отган урф – одатлар, борингки, «Яхши билан юрсанг, етарсан муродга, ёмон билан юрсанг, қоларсан уятга», «Қозонга яқин юрсанг қораси юқар» ёки «Кийимига қараб кутиб олиш, ақл – фаросатига қараб кузатиб қолиш» каби мақоллар инсоний муносабатлар аҳамиятини янада оширади.

Демак, муносабатлар мураккаб фалсафий тушунча булиб, ижтимоий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи йуналишларини белгилаб берувчи омил ҳисобланади. Ҳаётда юз берувчи воқеа ва ҳодисалар муносабатларда ўз ифодасини топади. Муносабатларга хизмат қилмайдиган ҳар қандай илмий йуналиш таназзулга юз тутиши муқаррардир .

Шу сабабли социометрия муносабатларни тадқиқ этувчи восита сифатида социологик тадқиқот усулларининг деярли барчасига мурожаат этади.<sup>17</sup> Қуйида ўзаро муносабатларни ўрганишга бағишланган баъзи шакллар билан таништириб ўтамыз. Шартли равишда уларни ракамлар билан ажратамыз.

---

<sup>17</sup> М.Бекмуродов. Социология асослари.Т, "Фан",1994 йил.

1. Анкета усули орқали муносабатларни ўрганмокчи булсак, саволлар «Сиз ким билан дам олишга чиққан бўлар эдингиз», «Сизнинг фикрингиз кимнинг фикри билан бир хил чиқади деб уйлайсиз», «Меҳнат сменангиз кимлар билан бирга ўтишини истардингиз» қабилида тузилиши керак.

2. Тенгдошларни ўзаро муносабатларга кўра баҳоловчи коғозни тўлдириш орқали. Масалан; тадқиқ этилаётган кичик гуруҳ аъзоларига куйидаги рўйхатни ҳар бирига биттадан тарқатиб, фамилиялар рўпарасига кимга қандай муносабатда эканлигингизни белгилаб беринг, деб илтимос қилинади. (1-расм ).

3. Билвосита танлаш тажрибасини қўллаш орқали ҳам аниқлаш мумкин. Масалан, бирор бир мактабнинг бошланғич синфи ўқувчиларидан бирига ҳар хил ҳажм ва савияга эга бўлган расмли китобларни ўз хоҳишига кўра синфдошларига биттадан тарқатиш сўралади. Тарқатиб берилган рангли китобларнинг бадиий савияси, қалин, юпқалигига кўра у ёки бу ўқувчига бўлган муносабат аниқлаб олинади.

*1-расм*

### Муносабат ўрнатиш даражаси

<i>T/p</i>	<i>Ким баҳоланмоқда</i>	<i>Дўстона муносабат</i>	<i>Ўртоқлик Алоқалари</i>	<i>Бефарқ Муносабат</i>	<i>Ёқтирмалик</i>	<i>Фақат иш юзасидан</i>	<i>Умуман мулоқот йўқ</i>	<i>Жами</i>
<i>1</i>	<i>Ахмедов</i>	+	+					<i>2</i>
<i>2</i>	<i>Жўраев</i>		+	+		+		<i>3</i>
<i>3</i>	<i>Расулов</i>	+			+		+	<i>3</i>
<i>4</i>	<i>Ботиров</i>		+					<i>1</i>
<i>5</i>	<i>Юнусов</i>						+	<i>1</i>
<i>6</i>	<i>Жўрабеков</i>				+	+		<i>2</i>

4. Меҳнат жамоасида турли хил лавозимларни шартли равишда ишловчиларга бўлиб бериш тажрибаси орқали ҳам ўзаро муносабатлар яхши ўрганилади. Бунинг учун ҳар бир кишига лавозимлар номи ёзилган варақалар тарқатилади, ҳар лавозим тўғрисида тегишли танланган кишининг исми шарифини ёзиб қўйиш сўралади .

- Меҳнат жамосининг раиси.
- Бригада бошлиқлари [уч – тўрт ўрин.]
- Касаба уюшмасининг раиси.
- Цех ёки бўлим бошлиғи.

Муносабатлар мустахкамлиги ёки заифлиги даражасини ўрганиш учун социометрик услубият бир неча хил ўлчов birlikларидан фойдаланади. Табиий фанларда бунинг йўли осон; рақамлар, предметлар хажми, товарлар нархи ва ҳоказолар сингари кўрсаткичлар жуда асқотади. Ижтимоий соҳаларда бундай ўлчов birlikлари йўқлиги сабабли ўзига хос баҳолаш даражалари ишлаб чиқилган. Бирмунча кенг тарқалган баҳолаш даражаларидан бири мунтазам ошиб борувчи ёки камайиб борувчи ўлчов мезонидир. Ана шундай мисол – схемани эътиборингизга хавола этамиз. Бунинг учун исталган мавзу, масалан, тарихий анъаналар негизидаги никох тизимига қайтиш ва никохни анна шу асосда расмийлаштиришга ўтишга қандай қарайсиз, деган савол билан муайян ижтимоий гуруҳга мурожаат этилади . (2-расм ).

**2-расм**

### Баҳолаш даражаси

<i>Хамманинг Фикри асосида тузилган умумий хулоса</i>	<i>Шак – шуб хасиз розиман</i>	<i>Умуман розиман</i>	<i>Жавоб бергим йўқ</i>	<i>Умуман менга маъқул эмас</i>	<i>Мулақо қаршиман</i>
<b>Жами</b>	<b>6</b>	<b>42</b>	<b>4</b>	<b>42</b>	<b>6</b>

<b>сўралганлар</b>					
<b>100</b>					

Худи шу тарзда баҳолаш ўлчамларининг бошқа кўринишларини ҳам мисол сифатида келтириб ўтиш ўринларидир.

- Энг юқори даража, юқори даража, ўртача даража, қуйи даража, энг қуйи даража (бундай баҳолаш шахс, жамоа хусусиятларининг ривожланиш даражасини ўлчашда, кишиларнинг хоҳиш – қизиқишларини ўрганишда уларнинг эҳтиёжлари даражасини белгилашда қўл келади);
- Аъло, яхши, қониқарли, қониқарсиз, ёмон, жуда ёмон (бундай баҳолаш билимлар доирасини белгилашда малака ва усталик даражасини аниқлашда, жамоадаги алоқалар ва ўзаро мулоқотлар аҳволини билишда жуда асқотади);
- Яққол намоён бўлади, етарли даражада намоён бўлди, ноаниқ намоён бўлди, умуман намоён бўлмади (бунда шахс хусусияти ва ўзига хосликларини ифодалаш имконияти амалга оширилади).

Ўзаро баҳолар даражалари. Бунда муайян жамоа алоқалари бир – бирларига умумий жиҳатлардан келиб чиққан ҳолда баҳоланади. Қуйида ана шундай баҳолашга мисол келтирамиз. (3-расм ).

**3-расм**

**Кимлар баҳоланади (беш баллик даража).**

<b>Т/р</b>	<b>Исм ва фамилия</b>	<b>Икромов А</b>	<b>Жўраев О</b>	<b>Хакимов А</b>	<b>Тошев Р</b>
<b>1</b>	<b>Икромов А</b>	<b>Х</b>	<b>5</b>	<b>3</b>	<b>2</b>
<b>2</b>	<b>Жўраев О</b>	<b>4</b>	<b>Х</b>	<b>4</b>	<b>5</b>
<b>3</b>	<b>Хакимов А</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>Х</b>	<b>4</b>
<b>4</b>	<b>Тошев Р</b>	<b>5</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>Х</b>
<b>5</b>	<b>Ўртача балл</b>	<b>4,3</b>	<b>4,6</b>	<b>4,0</b>	<b>3,9</b>

Юқоридаги жадвалда ўртача балл натижаларига кўра жамоанинг у ёки бу аъзосининг ижтимоий активлик даражаси, жамоавийлик руҳи, шахсий даражаси аниқлаб олинади.

Баъзи ҳолларда шахснинг конкрет хусусиятлари асосида ўртача балл чиқаришга бўлган эҳтиёж пайдо бўлиб қолади . Ана шундай ҳолларда куйидаги жадвал мисол ўрнида ўтиши мумкин . (4-расм ).

4-расм

	<i>Ахлоқий сифатлар</i>					<i>Ирода</i>				<i>Интеллект</i>				
<i>Меҳнат жамоаси аъзоларининг исм шарифи (баҳо 5 балли системада)</i>	<i>Гуманизм</i>	<i>Тўғри сўзлик</i>	<i>Маъсулият</i>	<i>Саҳийлик</i>	<i>Мардлик</i>	<i>Меҳнатсеварлик</i>	<i>Фаоллик</i>	<i>Ўзини бошқара олиши</i>	<i>Саботлилик</i>	<i>Хотира</i>	<i>Мантиқийлик</i>	<i>Кузатувчанлик</i>	<i>Фаросат</i>	<i>Жами</i>
<i>Каримов</i>	5	5	4	4	4	2	2	3	2	3	4	5	4	45
<i>Рахимов</i>	2	2	2	2	5	4	4	5	2	4	3	3	3	41
<i>Болтаев</i>	2	1	3	2	4	5	5	3	4	3	3	4	2	41
<i>Йўлдошева</i>	4	4	5	2	5	2	3	4	2	2	2	4	5	42

Юқоридаги келтирилган шкалада жадвални тўлдирувчи киши ўзига хос баҳо бериши мумкин.

3. Киёсий баҳолар шкаласи . Бунда айти бир хил талабёки саволга турли хил ижтимоий гуруҳлар берган жавоблар қиёсий ўрганилади . Мазкур шкалани амалга ошириш учун социологик тадқиқотларнинг анкета ва интервью усулларини қўллаш лозим . Ана шундай жадвал куйидаги шаклни олади . (5-расм ).

5-расм

Беш балли шкала асосида .

<i>Шахс сифатининг кайси сифати тарбия учун энг муҳим</i>	<i>Ота-оналар назарида</i>	<i>Меҳнат жамоаси назарида</i>	<i>Маҳала – куй назарида</i>	<i>Тенгдошлар назарида</i>	<i>Уму Мий</i>
---	----------------------------	--------------------------------	------------------------------	----------------------------	----------------

<i>саналади .</i>					<i>нат и жа</i>
<i>Меҳнатсеварлик</i>	5	5	4	4	18
<i>Инсонпарварлик</i>	5	4	5	3	17
<i>Ватанпарварлик</i>	4	4	5	5	18
<i>Ирода</i>	4	4	4	5	17
<i>Ҳалоллик</i>	5	5	5	4	19
<i>Ростгўйлик</i>	5	4	4	4	17
<i>Жанговарлик</i>	4	4	4	5	17
<i>Ва ҳоказо</i>					

4. Уз – ўзини баҳолаш шкаласи . Социологияда кенг тарқалган илмий тадқиқот усулларида бири ўз – ўзини баҳолаш шкаласидир<sup>18</sup>. Бшахс ўз – ўзини кузатиш , хатти – ҳаракатларини мушоҳада этиш орқали ўзига баҳо беради . Бундай тадқиқот ўтказиш олдидан социолог муайян жамоа аъзоларига бир hafta олдин ўз – ўзини кузатиб юришни тайинлайди . Шундан сўнг тадқиқот иштирокчиларининг хар бирига алохида варақа тарқатилиб ўзининг шахсий сифатларига баҳо бериш сўралади . [6-расм ].

Тадқиқотчи ишини енгиллаштириш учун шахс сифатлари қайд этилган алохида рўйхат берилиши мақсадга мувофиқдир . Респондентдан унинг иродаси билан боғлиқ сифатларининг ривожланиш даражаси санаб ўтилиши сўралади . (6-расм ) .

**6-расм**

<i>Ирода хусусиятлари</i>	<i>Энг кучли ирода</i>	<i>Кучли ирода</i>	<i>Ўрта</i>	<i>Заиф</i>	<i>Жуда заиф</i>
<i>Ўз – ўзини тута билиши</i>	<i>Ҳар қандай ҳолатда</i>	<i>Муҳим вазиятларда</i>	<i>Хошии бўлганда</i>	<i>Тута билишига ҳаракат</i>	<i>Тута олмайман</i>

<sup>18</sup> М.Бекмуродов. Социология асослари.Т, "Фан",1994 йил.

	<i>хам</i>			<i>киламан аммо натижа кутилмаган бўлади</i>	
<i>Мақсадга эришиши учун курашиши</i>	<i>Ҳамиша эришаман</i>	<i>Муҳим иш бўлса киришаман</i>	<i>Жуда хоҳиш бўлса</i>	<i>Кўпинча эриша олмайман</i>	<i>Умуман кураша олмайман</i>

Баъзан ўз – ўзини баҳолаш шкаласи жамоа раҳбари, жамоат ташкилоти фаол иштирокчиси, тенгдошлар баҳоси билан ҳам қиёсий тарзда ўрганилади. Масалан, студент ёки ўқувчининг билим даражасини аниқлаш лозим бўлганда 10 баллик шкала асосида «энг аъло», «аъло», «жуда яхши», «яхши», «меъёр даражасида», «қониқарли», «меъёрдан паст», «бўш», «жуда ёмон», «чидаб бўлмас даражада» каби мезонларни қўллаш ўринлидир. Кўпинча ўз – ўзини баҳолаш даражаси раҳбар ва тенгдошлар баҳолари даражасидан юқори келади. Зеро, инсон ўзига бир баҳя юқори баҳо бериб юришга мойилдир.

Ўз – ўзини баҳолаш мезонларидан бирмунча фарқ қилувчи жамоа муносабатлари, улардаги умумий ҳамжихатлик масаласини ўрганишга доир социометрик жадвални эътиборингизга ҳавола этамиз . (7-расм ).

*7 - расм*

**Ким танлаяпти**


**Кимни танлашаяпти**

<i>№</i>	<i>Гуруҳ аъзолари</i>	<i>А</i>	<i>Б</i>	<i>В</i>	<i>Г</i>	<i>Д</i>	<i>Е</i>	<i>Ж</i>	<i>Жами</i>
<i>1</i>	<i>А</i>	<i>X</i>	<i>+</i>	<i>+</i>	<i>+</i>	<i>-</i>	<i>+</i>	<i>0</i>	
<i>2</i>	<i>Б</i>	<i>+</i>	<i>X</i>	<i>0</i>	<i>0</i>	<i>+</i>	<i>+</i>	<i>0</i>	
<i>3</i>	<i>В</i>	<i>+</i>	<i>+</i>	<i>X</i>	<i>+</i>	<i>+</i>	<i>+</i>	<i>0</i>	
<i>4</i>	<i>Г</i>	<i>0</i>	<i>+</i>	<i>0</i>	<i>X</i>	<i>+</i>	<i>+</i>	<i>0</i>	
<i>5</i>	<i>Д</i>	<i>+</i>	<i>0</i>	<i>0</i>	<i>0</i>	<i>X</i>	<i>+</i>	<i>+</i>	
<i>6</i>	<i>Е</i>	<i>0</i>	<i>+</i>	<i>0</i>	<i>0</i>	<i>+</i>	<i>X</i>	<i>+</i>	
<i>7</i>	<i>Ж</i>	<i>0</i>	<i>+</i>	<i>0</i>	<i>0</i>	<i>+</i>	<i>+</i>	<i>X</i>	

Юқоридаги « + » белги симпатия (ижобий муносабат), « - » белги антипатия (салбий муносабат) ни , « 0 » эса бефарқ ёндашувни билдиради .

Олинган маълумотлар социометрик жадвалга таянган ҳолда қайта ишланиб, тадқиқ этилаётган гуруҳ социограммаси ишлаб чиқилади. Социограмма шахслар ва гуруҳлар алоқаларини муайян белги, ҳарфлар орқали шартли ифодалайди ва ўзаро муносабатлар аҳволини акс эттиради. Юқоридаги социометрик жадвалдан кўриниб турибдики, «А» ва «Б» шахслар ўртасида ўзаро мувофиқлик мавжуд (А Б ) , гарчи «В» шахс «Б» шахсга ижобий интилишига қарамай, «Б» шахс «В» шахсга нисбатан бефарқ ёндашади (В Б ), худди шунингдек «Д» шахс ҳам «Б» шахсга мойил бўлсада «Б» унга нисбатан ҳам бефарқ қарайди (Д Б ). «Г» шахс эса, «Е» шахс билан ўзаро бефарқлик кайфиятида бўлиб, ўртада ҳеч қандай муносабат бўлмаслигига ҳаракат қилади (Г Е) .Социометрик жадвал баъзи шахсларнинг ўзаро муносабатларидаги жиддий янглишишларни ҳам рўй – рост очиб бериши мумкин. Масалан, «А» шахс «Д» шахсни ёқтирмайди, ҳатто душман кайфиятидаги муносабатда бўлади, буни ташқи ҳатти – ҳаракатларда сезмаган «Д» шахс «А» шахсни ўзига дўст ва сидқидил инсон деб ҳисоблайди .

Кишиларнинг ўзаро алоқаларини график усулида тасвирланса, мана бундай манзара ҳосил бўлади.



Табиийки, мазкур тасвирда «Б» шахс кичик гуруҳнинг шубҳасиз етакчиси эканлиги яққол кўриниб турибди. «Б» нинг атрофга, шерик

танлашга бўлган мўлжалининг ўзгариши кичик гуруҳдаги ички муносабатлар тизимининг яхлитлигига путур етказди, натижада тизимни ташкил этувчи элементлар парокандаликка учраб, катта гуруҳдаги яхлит тизим мувозанатини бузиб юбориш эҳтимолини туғдириши мумкин. Шу боисдан ҳам социолог- тадқиқотчи социометрик жадвал ҳамда социограммалар тайёр бўлгач, кичик гуруҳларнинг норасмий етакчилари, гуруҳ таркибидаги кичик уюшмалар улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар, алоқаларнинг нечоғлик мустаҳкам ёки заифлиги хусусида ўз вақтида тавсияномалар ишлаб чиқариш зарур. Зеро, фан – фан учун эмас, балки ҳақиқат учунгина керакдир. «Фанларнинг фойдаси, - дейди улуғ аллома Абу Райхон Беруний, - уларнинг ёрдамида олтин – кумуш тўплаш эмас балки керакли нарсалар ҳосил қилишдир».

Бу ўринда танлашнинг мақбуллиги даражасига (бениҳоя истак борлиги, бажонидиллиги, бефарқлиги, унчалик истамаётганлиги, сира ҳам истак йўқлиги) аниқлик киритилиши ва танлаш учун тавсия қилинадиган шахслар сони чекланган бўлиши ҳам мумкин. Танлашларни танлаш матричасига тушириш чоғида янада таҳлил этиш ўзаро хуш кўриш ва хуш кўрмасликларнинг мураккаб тарзда чатишиб кетганлигини ва қарама-қарши томонлар ўртасидаги оралик бўғинларнинг бутун иерархиясини кўрсатиб беради.

Шундай савол туғилади: гуруҳдаги ўзаро муносабатларнинг социометрия методи учун яширин бўлиб қоладиган, лекин бу муносабатларнинг фақат ташқи жиҳатини оддий кузатувга қараганда анча тез ва аниқроқ кўрсатиб бера оладиган ҳақиқий ички ривожланишни қандай аниқлаш мумкин? Гуруҳ ичидаги ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг ташқи манзараси гуруҳ аъзолари ўртасидаги теран муносабатларнинг оқибати сифатида қаралиши мумкин, лекин социометрия афзал кўриш ва яққаланиб қолишнинг сабабларини аниқламайди.

Ҳар қандай гуруҳ тузилишига кўра гуруҳ аъзолари нуфузи ва мақомининг ўзига хос даражасини акс эттиради. Унинг юқори қисмидан ре-

ферентометрик ва социометрик тарзда танланадиган шахслар ўрин олади, энг орқада эса нореферент ва социометрик жихатдан суриб чиқарилган индивидлар туради. Мазкур иерархия зинапоясининг энг юқори босқичида гуруҳнинг пешқадами (лидери) жойлашади.

Пешқадам гуруҳнинг қолган барча аъзолари учун ўзларининг манфаатларига дахлдор бўлган ҳамда бутун гуруҳ фаолиятининг йўналишини ва хусусиятини белгилаб берадиган энг масъулиятли ечимларни қабул қилишга ҳақли деб ҳисобланган шахсдир. Шундай қилиб, пешқадам гуруҳнинг энг муҳим муаммоларига нисбатан энг кўпроқ даражадаги референтлик эгаси бўлган шахсдир. Пешқадам социометрик "юлдуз" бўлиши ҳам, аксинча, теварак-атрофдагиларнинг шахсий хайрихоҳлигига сазовор бўлмаслиги ҳам мумкин<sup>19</sup>.

Пешқадам расман гуруҳнинг раҳбари бўлиши ҳам, аксинча бўлиши ҳам мумкин. Пешқадам билан раҳбарликнинг ягона битта шахсга тўғри келиши мақбул ҳодиса ҳисобланади. Борди-ю, агар бундай мувофиқлик бўлмаса, у ҳолда гуруҳ фаолиятининг самарадорлиги расмий раҳбар (масалан, синфбоши) билан норасмий пешқадам ёки пешқадамлар ўртасидаги муносабатлар қай тарзда юз беришига боғлиқ бўлади.

Жамоода пешқадам ўз ўртоқлари қаршисида таҳлил қилиш ва эришиш учун намунага айланиб қолаётган шахсий фазилатлар сохиби сифатида намоён бўлади. Бундай пешқадамнинг шахсига мансуб фазилатлар мазкур ёшдаги гуруҳда қабул қилинган ва тан олинадиган қадриятларга мос келади.

Тажриба йўли билан шу нарса аниқланганки, юқори синф ўқувчилари ўз тенгдошларига фақат шу ёшда алоҳида қимматга эга деб тан олинадиган фазилатлардан эмас, балки уларнинг ўзларида суст ривожланган ёки умуман мавжуд бўлмаган фазилатлардан келиб чиққан ҳолда ҳам баҳо берадилар. Бу хилдаги фазилатларга эга бўлган ўртоқларнинг таъсири анча кучли бўлади ва улар обрў – эътибор қозониш учун, жамоасида пешқадамликка эришиш учун кўпгина асосга эгадир.

---

<sup>19</sup> М.Бекмуродов. Социология асослари.Т, "Фан",1994 йил.


Ҳар қандай гуруҳ тузилишига кўра гуруҳ аъзолари нуфузи ва статусининг ўзига хос даражасини акс эттиради. Унинг юқори қисмидан референтометрик ва социометрик тарзда танланадиган шахслар ўрин олади, энг орқада эса нореферент ва социометрик жихатдан суриб чиқарилган индивидлар туришади. Мазкур иерархия зинапоясининг энг юқори босқичида гуруҳнинг пешқадами (лидери) жойлашади.

Пешқадам – бу шундай шахсдирки, гуруҳнинг қолган барча аъзолари учун ўзларининг манфаатларига дахлдор бўлган ҳамда бутун гуруҳ фаолиятининг йўналишини ва характерини белгилаб берадиган энг масъулиятли ечимларни қабул қилишга ҳақли деб ҳисоблайдилар. Шундай қилиб, пешқадам гуруҳнинг энг муҳим муаммоларига қиёсан ундаги энг кўпроқ даражадаги референтлик эгаси бўлган шахсдир. Пешқадам социометрик «юлдуз» бўлиши ҳам ва аксинча, бундай бўлмаслиги ҳам мумкин – у теварак – атрофдагиларнинг шахсий хайрихоҳлигига сазовор бўлмаслиги ҳам мумкин, лекин агар у пешқадам бўлса, у ҳолда унинг теварак – атрофдагилар учун референтлиги шубҳасиздир. Пешқадам расман гуруҳнинг раҳбари бўлиши ҳам ва аксинча, бўлмаслиги ҳам мумкин. Пешқадам билан раҳбарликнинг ягона битта шахсга тўғри келиши мақбул ходиса ҳисобланади. Борди –ю, агар бундай мувофиқлик бўлмаса, у ҳолда гуруҳ фаолиятининг самарадорлиги расмий раҳбар билан норасмий пешқадам ёки пешқадамлар ўртасидаги муносабатлар қай тарзда юз беришига боғлиқ бўлади.

Гуруҳлар ёки жамоаларда ўзига бошчилик ролини олувчи шахс фарқланади. Социологияда бундай шахс лидер дейилади. Лидер гуруҳни ташкил этиш ва бошқариш учун тайинланиши ёки белгиланиши мумкин. Ўзаро муносабатлар соҳаси бўйича лидерларнинг икки тури фарқланади. (8 – *расм*).

*8 - расм*

1. Расмий лидер  
лидерликка сайланган  
ёки тайинланган лидер  
бўлиб, ушбу  
жамоанинг  
фаолиятига расман  
жавобгар  
ҳисобланади.



2. Норасмий лидер  
- расмий лидерлик  
мавқеини  
эгалламаганлигига  
қарамай, кўпчилик  
томонидан эътироф  
этилган, обрўга эга  
бўлган лидер.

Лидер қуйидаги вазифаларни бажаради.

- Гуруҳда мақсадга эришишнинг усул ва ёълларини режалаштириш.
- Гуруҳ аъзолари ўртасида жавобгарликни тақсимлаш.
- Муайян муҳитни ташкил этиш.
- Гуруҳ аъзоларининг фаоллигини ошириш.

Лидерлик услублари

1. Демократик
2. Авторитар
3. Либерал

Демак, айти бир жамоада бир неча лидер мавжуд бўлиши мумкин. Агар жамоада лидерлар кўп бўлса, бу ижобий ҳолат. Лекин бунда лидерларнинг ахлоқий нормалари бир-бирига зид келмаслиги лозим. Лидерларнинг турли-туманлиги жамоа ҳаётининг турлича бўлинилишини таъминлайди.

Бу жиҳатдан ўзаро муносабатларнинг 3 хил даражасини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Лидерлар ўртасида ўзаро муносабатлар жамоадаги психологик иқлимнинг муҳим томонидир. Бундан ташқари жамоанинг психологик иқлимига жамоа аъзолари ўртасидаги шахслараро муносабатлар ҳам катта таъсир кўрсатади. Бунда жамоа аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қанчалик чуқур бўлиши муҳим рол ўйнайди.

1-даража симпатия ёки антипатия асосида вужудга келувчи ўзаро муносабатлар.

2-даража - иш ёки ўқиш юзасидан буладиган ўзаро муносабат.

3-даража инсоний муносабатлар ёки чуқур ишончга асосланган ўзаро муносабатлар<sup>20</sup>.

Ўспиринлик даврида ўқувчиларнинг шахслараро муносабатлар , системаси доирасида бир – бирларига нисбатан талаблари ва орзу умидлари айниқса кескин тусга киради. Ана шундай ҳолларда юқори синф ўқувчилари жамоасидаги пешқадам кўпинча намуна , синфда юқори даражадаги референт шахс бўлиб ҳисоланади , бошқа барча ўқувчилар ўзларнинг ва бошқаларнинг хатти – ҳаракатларини шуларга қараб баҳолашади. Баъзан педагоглар ва ота – оналар аълочи ўқувчилар синф жамоаси мавқеини эгаллайдилар , деган янглиш фикрга таянган ҳолда иш тутадилар. Агар қуйи синфларнинг ўқувчилари ҳақида сўз кетганда шундай хулосага келиш учун маълум даражада асос бўлса ҳам , юқори синфларда аълочи ўқувчи ўз синфдошлари орасида пешқадамлик мавқеини фақат ўзи билан бирга ўқийдиганларнинг ўқув фаолиятига фаол кўмаклашган тақдирдагина эга бўлиши мумкин. Бу айниқса дарсда мунтазам жамоа тарзида ўқув ишини ташкил этиш жараёнида намоён бўлади .

Синф жамоасидаги пешқадам ўз ўртоқлари қаршисида таҳлил қилиш ва эришиш учун намунага айланиб қолаётган шахсий фазилатлар сохиби сифатида намоён бўлади. Бундай пешқадамнинг шахсига мансуб фазилатлар махкур ёшдаги гуруҳда қабул қилинган ва тан олинадиган қадриятларга мос келади. Тажриба йўли билан шу нарса аниқланганки , юқори синф ўқувчилари ўз тенгдошларига фақат шу ёшда алоҳида қимматга эга деб тан олинадиган фазилатлардан эмас , балки уларнинг ўзларида суст ривожланган ёки умуман мавжуд бўлмаган фазилатлардан келиб чиққан ҳолда ҳам баҳо берадилар. Бу ҳилдаги фазилатларга эга бўлган ўртоқларнинг таъсири анча

---

<sup>20</sup> <http://www.uzvip.uz/download.php?id>

кучли бўлади ва улар обрў – эътибор қозониш учун, синф жамоасида пешқадамликка эришиш учун кўпгина асосга эгадирлар.

Синф жамоасига расмий раҳбарлик системаси (синфбоши, ёшлар ташкилотчиси ва жамоатчилик ишларининг айрим соҳалари учун маъсул кишилар) унда норасмий нуфузнинг тақсимланиши ва норасмий пешқадам сифатида танилиш, билан тўғри келиши ҳам, тўғри келмаслиги ҳам мумкин. Агар пировард натижада шахслараро муносабатлар умумий мақсадга бўйсундирилган бўлса норасмий гуруҳлардаги пешқадамларнинг мавжудлиги жамоага халақит қилмайдигина эмас, балки ҳатто ёрдам бериши ҳам мумкин. Чунончи, 30 – 40 ўқувчидан иборат гуруҳ ҳисобланадиган синфда синфбоши ва ёшлар ташкилотчисидан ташқари одатда бир неча пешқадамлар мавжуд бўлиб, улар теварагида бир нечта норасмий гуруҳлар уюшади. Педагог уларда таркиб топган шахслараро муносабатлардан огоҳ бўлгани ҳолда ўзаро бир – бирини тўлдирувчи ушбу гуруҳларни битта йўналишда мўлжал олдира билиши керак. Тажрибали педагог алоҳида гуруҳлар орасида юз берадиган зиддиятлардан ҳамиша умуман жамоани ривожлантиришининг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида фойдалана олади.

Агар алоҳида гуруҳлар фаолиятининг мақсадлари синфнинг умумий мақсадларига бўйсундирилмасдан ва ана шу гуруҳларнинг ичкарисида чекланиб қоладиган бўлса, иш бошқача бўлади. У ҳолда синф жамоаси аслини олганда, фақат ўз ичидаги пешқадамлар эмас балки барча аъзолар ҳам озми – кўпми даражада шахслараро антогонистик муносабатларги киришадиган бир қатор гуруҳлар билан алмаштирилади.

Агар педагог буни ўз вақтида пайқай билса, у шахслараро муносабатларни ўзгартира олади бузила бошлаган жамоа яна жипслаша бошлайди<sup>21</sup>.

### **Қисқача хулоса.**

Хулоса қиладиган бўлсак социометрик усулнинг негизида "Сен ким билан бирга бўлишни хоҳлайсан" деган тўғридан-тўғри савол туради. У кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хоҳлаган жабҳасига татбиқан кўйилиши мумкин. Қоида тариқасида танлашнинг икки

йўналиши – биргаликда меҳнат қилиш соҳасидаги ва вақтичоғлик қилиш



## **2.2§. Социометрик тадқиқотларни ўтказишга доир талаблар, методнинг ўзига хос жиҳатлари тизими ва социометрик тадқиқотлар ўтказиш жараёни.**

Социометрия методи жуда ҳам тезкор бўлиб, унинг натижалари математик усул билан қайта ишланиши ва ёзма шаклда ифода этилиши мумкин.

Социометрия усулининг негизида «Сен ким билан бирга бўлишни хоҳлардинг?» деган тўғридан – тўғри савол туради. У кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хоҳлаган жабҳасига тадбиқан қўйилиши мумкин: сен ким билан бирга битта партада ўтиришни, дам олишни, вақтичоғлик қилишни, ишлашни хоҳлардинг ва ҳоказо қоида тариқасида танлашнинг икки йўналиши – биргаликда меҳнат қилиш соҳасидаги ва вақтичоғлик қилиш соҳасидаги йўналишлари тавсия қилинади. Бу ўринда танлашнинг мақбуллиги даражасига аниқлик киритилиши ва танлаш учун тавсия қилинадиган шахслар сони чекланган бўлиши ҳам мумкин. Танлашларни танлаш матричасига тушириш чоғида янада таҳлил этиш ўзаро хуш кўриш ва хуш кўрмасликларнинг мураккаб тарзда чатишиб кетганлигини, социометрик «юлдузлар» ( уларни кўпчилик танлайди ), «бас бойлашлар» нинг (улардан ҳамма ўзини четга тортади) мавжудлигини ва бу қарама – қарши томонлар ўртасидаги оралик бўғинларнинг бутун иерархиясини кўрсатиб беради.

Социометрия методининг жуда ҳам тезкор эканлигига шубҳа йўқ ва унинг ёрдами билан гуруҳ ичидаги ҳиссий интилишлари манзараси етарли даражада аниқ – равшан кўрсатилган бўлиши мумкин. Уни кузатишлар йўли билан аниқлаш учун узок вақт сарфлашга тўғри келган бўларди.

Ҳар қандай гуруҳни унинг аъзоларининг ўзаро биргаликдаги ҳаракати жараёнида ҳосил бўладиган коммуникатив шаҳобча сифатида талқин қилиш мумкин.

Лекин социометрик таҳлил бу коммуникатив шаҳобчага жуда ҳам умумий тарздаги таъриф бериши мумкин. У нима учун индивид бир хил

бирликларда гуруҳга қарама – қарши қўйилганлиги, бошқаларида эса коммуникатив шахобчадаги бундай узилиш пайқамаслигини тушуниб етишга олиб бормайди.

Социометрик техника ёрдамида қайд этиладиган боғланишлар системасини муқаррар деб ҳисоблаб бўлмайди. Бугунги «юлдуз» эртага яққаланиб қолиши мумкин.

Социограммалар бизга бундай ўзгаришларнинг сабаблари ҳақида маълумот бера олмайди. Шунингдек, гуруҳ аъзолари бировларни рад этиб, бошқаларини танлаганларида нималарга асосланганликлари, гуруҳнинг ҳар хил аъзоларига хос хуш кўриш ва хуш кўрмасликлар замирида қандай маъно борлиги мавҳумлигича қолади.

Социометрик тадқиқотлар негизини ташкил этувчи ҳиссий–психологик ҳодиса сифатидаги гуруҳнинг модели одамларнинг шахслараро муносабатларини ижтимоий жиҳатдан қарор топган муайян қоидалар, қадриятли мўлжаллар ва баҳолар асосида таҳлил этиш имконини бермайди. Негаки, у ҳаммасини ўзаро биргаликдаги ҳаракатларнинг, ўзаро ҳиссий баҳолар ва майлларнинг қайд этилишидан иборат қилиб қўяди.

Афтидан, бундай ёндашув чоғида гуруҳ ва унинг аъзолари собитқадамлик билан амалга ошираётган фаолият шунчаки эътиборга олинмасдан қолиб кетади.

Кишининг шахс сифатида атроф муҳит билан ўзаро биргаликдаги фаолияти унинг ишлаб чиқариш ва социал ҳаётидаги объектив муносабатлари ситемасида таркиб топади ва амалга оширилади. Одамларнинг ўзаро муносабатлари жараёнида объектив тарзда таркиб топадиган реал боғланишлар замирида биз шахслараро кўрсатмалар қарор топадиган ниятларнинг ўзаро бир – бирига қизиқишнинг, турли хилдаги вазиятларнинг мураккаб шахобчасини кўрамиз. Шубҳасиз, объектив тарзда таркиб топаётган боғланишларнинг характери ва аҳамиятига бериладиган баҳо, энг аввало, реал фактларни, одамларнинг характерлари ва ҳатти –

харакатларини, уларнинг биргаликдаги фаолиятининг объектив натижаларини тадқиқ этиш туфайли маълум бўлади.

Гуруҳдаги ўзаро ёқтириш ва ўзаро ёқтирмасликнинг аён бўлган манзарасига таянган ҳолдагина олисни кўзлайдиган хулосалар чиқариб бўлмайди. Боғланишларнинг фақат ташқи жихатини қайд қиларкан, социометрия ўз моҳияти эътибори билан бундай афзал кўришларнинг хусусиятини очи беришга қодир эмас.

Социометрия билан танишув синалувчиларнинг жавоблари танлашнинг ҳақиқий негизини акс эттирмаслиги ҳам мумкинлигини пайқаб олишга имкон беради ва унинг учун ҳам кўпинча унинг ҳақиқий сабабларини топишга ёрдам бермайди, улардан четга чалғитади.

Шундай савол туғилади: гуруҳдаги ўзаро муносабатларнинг социометрия методи учун яширин бўлиб қоладиган, лекин бу муносабатларнинг фақат ташқи жихатини оддий кузатувга қараганда анча тез ва аниқроқ кўрсатиб бера оладиган ҳақиқий ички ривожланишни қандай аниқлаш мумкин? Гуруҳ ичидаги ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг ташқи манзараси гуруҳ аъзолари ўртасидаги теран муносабатларнинг оқибати сифатида қаралиши мумкин, лекин социометрия афзал кўриш ва яққаланиб қолишнинг сабабларини аниқламайди.

### **Социометрик тадқиқотларни ўтказишга доир талаблар тизими қуйидагилардан иборат;**

1. Социометрик тадқиқотларни энг камида ярим йилдан ошиқроқ бирга ишлаган кичик жамоаларда ўтказиш мақсадги мувофиқдир. Яхшиси, уч йилдан зиёд бирга фаолият юритган ёки яшаган кишилар ўртасида ўтказилса, натижа анча ишонарлироқ чиқади. Қадимий анъаналаримизга мувофиқ кишилар 3 йилда ким дўст, ким нодўст эканининг фарқига боришади .

2. Тадқиқ этилувчи кишилар сони кўпи билан 18 – 20 нафар бўлиши керак. Бундай ёндашув тадқиқотни тўла ва атрофлича ўтказиш, олинувчи натижалар ҳаётийлигини таъминлаш имконини беради.

3. Танланган масала тадқиқ этилувчи кишиларга яхши таниш бўлиши ва улар эркин мушоҳада қила олиши, қийналмасдан баҳолай олишлари муҳим аҳамиятга эга.

4. Тадқиқот четдан таклиф этилган, маълум тайёргарликка эга бўлган социолог томонидан ўтказилмоғи лозим.<sup>22</sup>

**Шундай қилиб, социометрик тадқиқотлар ўтказиш жараёни қуйидаги иш босқичларни ўз ичига олади.<sup>23</sup> (9 – расм)**

*9 - расм*

**Социометрик тадқиқотлар ўтказиш жараёни қуйидаги иш босқичларни ўз ичига олади**



### **1.Тайёргарлик босқичи;**

- Муаммо танлаш , вазифаларни белгилаш, тадқиқот объектини ажратиб олиш, тадқиқ этилаётган жамоа хусусида маълумот йиғиш, респондентлар сонини аниқлаш.
- Тадқиқ этилувчи жамоа аъзолари билан бевосита мулоқот ўрнатиш, респондентларни бўлажак тадқиқотга руҳий – эмоционал жиҳатдан тайёрлаш, социометрик ўлчамлар мазмунини белгилаб олиш.



### **2.Бевосита тадқиқотга киришиш босқичи;**

- Респондентларга кўрсатма бериш, социометрик варақаларни тарқитиш, респондентларнинг вазифаларни бажаришини кузатиб туриш, тарқатилган варақаларни йиғиб олиш.



### **3.Социометрик тадқиқот натижаларини таҳлил этиш .**

- Олинган информацияни қайта ишлаш, унинг нечоғли тўғри ва ҳаётий чиққанлигини текшириб кўриш.

<sup>22</sup> М.Бекмуродов. Социология асослари.Т, "Фан",1994 йил.

<sup>23</sup> М.Бекмуродов. Социология асослари.Т, "Фан",1994 йил.




## **2. Социометрик тадқиқотларнинг якуний босқичи.**

- Хулосалар яшаш ва илмий – услубий тавсияномалар ишлаб чиқиш.


### **Қисқача хулоса.**

Қисқача қилиб айтадиган бўлсак ҳар қандай методда бўлгани социометрия методининг ҳам ўзига хос равишда талаблари мавжуд. Демак, социометрия методи ёрдамида гуруҳ аъзолари ўртасидаги симпатия ёки антипатияни аниқлаш мумкин, социометрия методни оператив тарзда ўтказиш, унинг натижаларини эса математик равишда қайта ишлаш ва график тарзда ифодалаш мумкин. Социометрия методидан гуруҳ жамоа аъзолари ўзаро бир-бирларини яхши билган ҳолатлардагина, расмий иш юзасидан бўладиган ва шахсий муносабатлардаги ҳақиқий ўрнини аниқлаш, бирламчи гуруҳлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини топиш, бирламчи гуруҳларнинг пайдо бўлиш ва тарқаб кетиш сабабларини аниқлаш мумкин.



Биз ҳалқимизнинг дунёда ҳеч қимдан қам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имқониятларимизни сафарбар этаётган эқанмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият қасб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва маъсулмятимизни йўқотсақ, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликқа ташлаб қўядиган бўлсақ, муқаддас қдриятларимизга йўғрилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан, тарихий ҳотирамиздан айрилиб, оҳир – оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин.

И. А. Қаримов. «Юқсақ маънавият  
енгилмас куч»



**3-боб. Кичик гуруҳларни**  
**социометрия методи**  
**воситасида тадқиқ қилиш.**

**3.1§. Кичик гуруҳлардаги шахслараро муносабатларнинг  
гуруҳий бирдамликка таъсирини ўрганиш бўйича социологик  
тадқиқот дастури.**

**Муаммонинг назарий асоси.**

Гуруҳ билан иш боришда гуруҳнинг ўзаро бирдамлиги, гуруҳ аъзоларининг гуруҳий фаолиятдан бегоналашув ҳолатини ўрганиш энг асосий масала ҳисобланади. Чунки гуруҳ билан олиб бориладиган турли хил иш жараёнлари ва тадбирларда гуруҳ бирдамлиги муҳим ҳисобланади. Шунингдек гуруҳ фаолиятдан бегоналашган аъзоларини гуруҳ иш жараёнига жалб қилиш бу гуруҳ билан ишлаш самарадорлигини оширади. Гуруҳ билан иш олиб бораётган хоҳ у раҳбар бўлсин, хоҳ у педагог бўлсин ўз иш фаолиятини олиб боришда гуруҳий бирдамликни оширадиган бўлса, гуруҳий фаолиятдан бегоналашув ҳолатига чек қўядиган бўлса бу гуруҳ билан унинг олиб борадиган ишлари самкарадорлиги юқори бўлади. Гуруҳ аъзоларини гуруҳ фаолиятидан бегоналашувни ўз вақтида олди олинмаса ушбу гуруҳ аъзоларининг турли хил ёмон йўлларга кириб қолиши ва бунинг оқибатида турли ёмон ҳолатлар келиб чиқиши мумкин. Айниқса ёш ва кичик гуруҳлар билан ишлаш жараёнида бу жуда муҳим ва самарали. Чунки мактаб ёшидаги ва талаба ёшлар билан ишлашда уларнинг гуруҳий фаолиятдан бегоналашув ҳолатига йўл қўймаслик зарур, сабаби ёшлар бу даврда турли хил ташқи таъсирларга мойил бўлади. Шунингдек бугунги

кундаги турли хил диний оқимлар ва диний фундаментализм таҳдиди хавф солиб турган пайтда ёшларни гуруҳий фволиятдан бегоналашувига йўл кўйилмаслиги жуда ҳам муҳим масаладир.

### **Тадқиқот мақсади.**

Ўтказиладиган эмпирик социологик тадқиқотларнинг маълумотлари асосида талаба ёшларда гуруҳий фаолитдан бегоналашув ҳолатини пайдо бўлиши, гуруҳ аъзоларининг бу ҳолатга тушиб қолиш сабабини аниқлаб, гуруҳдаги шахсларарор муносабатнинг гуруҳий бегоналашув ҳолатига таъсири ўрганиб таҳлил қилдинади.

Бухоро Давлат Университети талабаларининг дунёқараши, уларнинг гуруҳ фаолиятига муносабати аниқланади.

Талаба ёшларда гуруҳий фаолиятдан бегоналашувнинг бошланғич белгилари ва унинг келиб чиқиш жараёни ўрганилиб таҳлил бўлади.

### **Тадқиқотнинг вазифалари ва кўриладиган масалалар:**

Гуруҳдаги шахслараро муносабатларни таҳлил қилар эканмиз гуруҳ аъзоларининг гуруҳий фаолиятдан бегоналашув ҳолатини ечимини топиш, бунинг учун эса гуруҳдаги шахслараро муносабатлар жараёнларига алоҳида эътиборни қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

- Аввало гуруҳ ичидаги шахслараро муносабатларни аниқлиштириш;
- Гуруҳ етакчиси ва гуруҳда алоҳида иш олиб боришга муҳтож бўлган аъзоларни аниқлиштириб олиш;
- Гуруҳ аъзолари орасидан ўз орқасидан гуруҳдошларини эргаштира оладиган ва уларга ўрнак бўладиган талабаларни аниқлаш;
- Ўтказиладиган тадқиқот натижасида гуруҳ аъзоларининг қайси бири билан қай тарзда иш олиб бориш ва гуруҳга қайси аъзони етакчи қилиб

қўйганда амалий ютуқларга эришишни аниқлаш, шунингдек тарбиявий жараёнлар самарадорлигини ошириш йўларини ишлаб чиқиш.

### **Тадқиқот объекти.**

Юқорида кўрсатилгин муаммо ва тадқиқот вазифаларидан келиб чиққан ҳолда объект сифатида ўрганилаётган гуруҳ аъзоларини кўрсатиш мумкин. Гуруҳ ичидаги шахслараро муносабатларнинг гуруҳдаги гуруҳий фаолиятдан бегоналашув жараёнига таъсирини ўрганишда ушбу гуруҳ аъзоларини ўзаро муносабати ва алоқасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

### **Тадқиқот предмети.**

Шахсни камол топтирадиган ва тарбиялайдиган жамоа ўзи билан жамият ўртасидаги боғловчи бўғиндир. Мехнат жамоаси ўзининг юксак кўринишларида киши шахсини ҳар томонлама камол топтириш учун шарт-шароит яратади. Ўтказиладиган тадқиқот предмети гуруҳдаги шахслараро муносабатларнинг гуруҳдаги гуруҳий фаолиятдан бегоналашув жараёнига таъсиридир.

### **Тадқиқотнинг илмий фарази.**

Биз биламизки ҳар бир гуруҳда гуруҳ аъзолари ўртасида шахслараро муносабатлар, гуруҳ лидери ва гуруҳ аутсайдери кабилар мавжуд. Шундай экан гуруҳ аъзолари ўртасидаги шахслараро муносабатлар гуруҳдаги гуруҳий фаолиятдан бегоналашув жараёнига тўлиқ ҳолда таъсир қилади, шунингдек гуруҳда маълум аъзолар таъсири натижасида гуруҳда ички муҳит ва ишлашга, ўқишга ва ютуқларга эришишга бўлган ҳаракатлар кўзга ташланади. Тадқиқот ёрдамида гуруҳ аъзолари ўртасидаги шахслараро муносабатларнинг гуруҳдаги гуруҳий фаолиятдан бегоналашув ҳолатига

таъсири юзасидан бу гуруҳ билан ишлаш учун аниқ қўлланма ва йўналиш ишлаб чиқилади.

### **Тадқиқот методи.**

Тадқиқот методи сифатида гуруҳдаги шахслараро муносабатларни ўрганишда кенг қўлланиладиган – социометрик сўров методи.

### **Тадқиқотнинг иш тартиби.**

*10 – расм.*

№	Қилинадиган ишлар.	Муддати.	Натижаси.
1.	Тадқиқот дастурини ишлаб чиқиш, қилинадиган ишлар тартибини белгилаб олиш ва дастурни тасдиғдан ўтказиш.	2012 – йил апрел ойида.	Бажарилди
2.	Анкета сўровномасини ишлаб ва уни тасдиғдан ўтказиш.	2012 – йил май ойида.	Бажарилди
3.	Гуруҳ аъзоларидан тасдиғдан ўтказилган анкета сўровномаларини ўтказиш.	2012 – йил май ойида.	Бажарилди
4.	Ўтказилган сўровнома натижаларини қайта ишлаш, натижаларни таҳлил қилиш ва амалий ишланма ва тавсиялар ишлаб чиқиш.	2012 – йил май ойида.	Бажарилди

### **3.2§. Тадқиқотни ўтказиш , натижалар таҳлили ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.**

Бухоро Давлат Университети Ижтимоий – иқтисодий факултет социология 4- курс талабаларидан ўтказилган социологик тадқиқот натижаларини таҳлили (*11 – расм*):

Гуруҳ аъзоларидан ўтказилган тадқиқот натижаларини таҳлил қиладиган бўлсак гуруҳда билим жиҳатдан талабалар Рустамов Фарход, Қувонова Шахноза, Ибрагимова Ферангиз, Ҳакимов Азиз, Азимов Азиз, Латипова Гулрухлар алоҳида ўрин ва мавқега эга.

Гуруҳ аъзоларини билим олишга, овқатланиш, кинога, кўнгилочар ва маданий дам олиш жойларига гуруҳни ўз ортидан етаклай оладиган талабалар сифатида Қувонова Шахноза, Латипова Гулрух ва Рустамов Фарходлар алоҳида ўринга эга .

Гуруҳ аъзоларини ўз билими орқали ортидан эргаштира оладиган талабалар сифатида Рустамов Фарход ва Қувонова Шахнозалар аниқланди. Тарбияси жиҳатдан ҳам гуруҳни ўзи билан олиб бора оладиган талаба сифатида Қувонова Шахноза аниқланди.

Юқорида ўрганилган тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда гуруҳда лидер сифатида Қувонова Шахнозани қайд этиш мумкин чунки бу талаба гуруҳда ўзининг алоҳида ўрни, ҳурмат – иззати, шунингдек гуруҳни ҳар қандай ҳолларда ўзининг ортидан эргаштира олиши, гуруҳдошлари эса унга ҳар қандай вазиятда эргашishi ва суяна олиши аниқланди. Шундай экан бу гуруҳ билан ишламоқчи бўлган педагог ёки раҳбар ҳам гуруҳга таъсирини ўтказиш учун бу талабага ишонишса тўла самарадорликка эришади, қисқача қилиб айтганда Қувонова Шахноза гуруҳда тўлақонли етакчи. Шунингдек, гуруҳ аъзоси Рустамов Фарходнинг ҳам гуруҳга таъсири ва гуруҳдаги ўрни ва ролини алоҳида ажратиб кўрсатса бўлади, чунки гуруҳ талабаларнинг аксарияти билим олишда ушбу талабага эргашшини яширмаган. Шундай экан гуруҳ билан иш олиб боришда айнан шу талаба орқали гуруҳга таъсир самарали бўлади.

11 - расм

Талабалар-нинг исм шарифи.	Ким билан боришни хоҳлайсиз.					Гуруҳ талабаларининг билимига қандай баҳо берасиз.	Билими жиҳатдан гуруҳдан кимга эргашасиз.	Тарбияси жиҳатдан гуруҳдан кимга эришасиз.	Гуруҳдан кимнинг тарбияси сизга ёқмайди.	Гуруҳдан ким гуруҳ бирдамлигига салбий таъсир қилади.
	Кутубхонага.	Овқатланишга.	Интернетга.	Кинога.	Бошқа жойга.					
КувONOBA .Ш.						1 2 3 4 5				
Жўраев.М						1 2 3 4 5				
Икромов К.						1 2 3 4 5				
Ҳотамова .Л.						1 2 3 4 5				
Сафаров . С.						1 2 3 4 5				
Латипова .Г.						1 2 3 4 5				
Рустамов .Ф.						1 2 3 4 5				
Бабакулов. Х.						1 2 3 4 5				
Ибрагимова. Ф.						1 2 3 4 5				
Мақсудова. М.						1 2 3 4 5				
Насриева. Р.						1 2 3 4 5				
Асланова. М.						1 2 3 4 5				
Ҳакимов. А.						1 2 3 4 5				
Азимов. А.						1 2 3 4 5				
Рўзиев. Х.						1 2 3 4 5				
Ҳафизова. М.						1 2 3 4 5				
Тангриев. К.						1 2 3 4 5				
Ниязов. Ш.						1 2 3 4 5				
Баратов. Ш.						1 2 3 4 5				
Камолов. С.						1 2 3 4 5				

Талабаларнинг исм шарифи.	Ким билан боришни хоҳлайсиз.					Гурух талаба ларин инг билим ига қандай баҳо бераси з.	Билим и жихат- дан гурух- дан кимга эргаша -сиз.	Тар- бияси жихат- дан гурух- дан кимга эри- шасиз.	Гурух -дан ким- нинг тар- бияси сизга ёқмай- ди.	Гурух- дан ким гурух бир- дамли- гига салбийт аъсир қила-ди.
	Кутубхонага.	Овқатланишга.	Интернетга.	Кинога.	Бошқа жойга.					
Қувонова .Ш.	12	12	4	12	16	4.75	6	12	0	0
Жўраев.М	4	5	2	2	2	3	2	2	3	1
Икромов К.	0	4	1	2	1	3	0	1	0	0
Ҳотамова .Л.	2	3	2	3	2	3	0	2	0	0
Сафаров . С.	1	2	1	2	2	3	0	0	2	2
Латипова .Г.	8	7	3	5	3	4.2	3	4	0	0
Рустамов .Ф.	8	5	4	4	5	4.8	12	5	0	0
Бабакулов. Х.	2	4	2	6	5	3.8	4	6	0	0
Ибрагимова. Ф.	4	2	3	2	2	4.75	3	4	0	0
Мақсудова. М.	2	2	2	2	2	4	2	2	0	2
Насриева. Р.	2	2	2	2	2	3	0	1	0	2
Асланова. М.	3	4	3	3	3	4.2	2	3	0	1
Ҳакимов. А.	1	2	2	2	2	4.4	3	1	0	1
Азимов. А.	2	2	2	2	2	4.4	2	3	0	3
Рўзиев. Х.	2	4	3	3	1	3	0	0	1	0
Ҳафизова. М.	3	4	2	3	3	3.75	2	3	0	0
Тангриев. К.	2	2	3	2	2	3.6	2	3	1	1
Ниязов. Ш.	2	1	1	2	1	3.2	0	2	2	1
Баратов. Ш.	1	3	3	2	2	3.5	0	1	2	0
Камолов. С.	1	2	2	4	1	2.4		0	2	0

Гуруҳнинг тарбияси гуруҳ аъзоларига маъқул келмайдиган, гуруҳ бирдамлигига талабалар назарида салбий таъсир кўрсатадиган аъзолар умуман гуруҳ ўқув ва иш фаолиятидан четда қолган яъни гуруҳий фаолиятдан бегоналашган аъзолар ҳам мавжуд.

Гуруҳ аъзоларидан Азимов Азиз, Сафаров Сардор, Насриева Рухсора, Мақсудова Маҳлиё фаолиятида айни юқоридаги таъкидланган ҳолатлар кўзга ташланади.

Ушбу талабаларнинг фаолияти гуруҳ раҳбари ёки жавобгар кишилар томонидан назоратга олиниши шарт, бу талабаларнинг дарсларга қатнашиши, ўқув ишлари билан шуғулланиши барчаси қаттиқ назорат остига олиниши керак.

## Хулоса.

Гуруҳ – бу мунтазам равишда бир – бирлари билан ҳамкорлик қиладиган инсонлар тўпламидир. Бу мунтазамлик дўстона муносабат, бирдамлик ва умумий урф – одатлар шаклланишига олиб боради. Кўпчилигимиз гуруҳларга (масалан оила) ва шунингдек, мактаб, коллеж, фирмалар каби турли хил йирикроқ ташкилотларга мансубмиз. Гуруҳ ва ташкилотлар ҳаётимизни бошқаради ва улардаги ҳукумат тизимлари хулқ – атворимизни чеклаб, унга бевосита таъсир ўтказди.

Ҳар қандай (катта ва кичик) гуруҳлардаги муомала ва фаолият ана шу гуруҳларга кирадиган одамларнинг ҳаёт тарзини белгилаб берадиган ҳамда уларнинг қадриятларини, идеалларини, эътиқодларини, дунёқарашини шакллантирадиган ижтимоий муносабатлар билан белгиланади ва йўналтириб туради. «Индивид – бу ижтимоий мавжудотдир унинг учун унинг ҳаёт кечириши қандай кўринишда бўлмасин ва агар у хатто бошқалар билан биргаликда кечириладиган бевосита коллектив ҳаёт кечириш шаклида юз бермаган тақдирда ҳам ижтимоий ҳаётнинг ифодаси ва тасдиғи бўлиб хисобланади».

Ҳар бир шахс ўз фаолиятини турли гуруҳлар шароитида ёки турли гуруҳлар таъсирида амалга оширади. Чунки жамиятдан четда қолган ёки инсонлар гуруҳига умуман қўшилмайдиган индивиднинг ўзи йўқ. Киши жамиятда яшар экан, у доимо турли инсонлар билан мулоқотда, ўзаро таъсирда бўлади, бу мулоқот жараёнлари эса доимо кишилар гуруҳида рўй беради. Шунинг учун ҳам гуруҳлар муаммоси, уни ўрганиш ва гуруҳларни шаклланишига оид илмий хулосалар чиқариш социологиянинг асосий мавзуларидан ва муаммоларидан биридир. У ўзининг ҳаёти давомида бошқа кишилар билан бевосита мулоқотда бўлади ва бу орқали ўзининг ижтимоий моҳиятини амалга оширади. Бундай мулоқот турли хил гуруҳларда рўй беради.

Гуруҳ ёки жамоадаги баъзи аъзолар шахсий ўзаро муносабатлардан четда қоладилар. Улар бундай алоқалар ўрнатиш учун ўзларига шерик танлайдилар. Бироқ бу ушбу шахс жамоа томонидан хоҳланмайди, деган сўз эмас. Бу шахс иш юзасидан бўладиган муносабатларга киришадилар, унга берилган ролни яхши бажарадилар. Жамоа бу аъзосининг шахсий ўзаро муносабатларини жамоадан ташқарида яхши ўрнатилади.

Жамоа – шахслараро муносабатлар биргаликдаги фаолиятининг ижтимоий қийматлари ва шахсий жиҳатдан аҳамияти орқали ўз ифодасини топадиган гуруҳдир. Унинг психологик жиҳатдан бошқа гуруҳлардан фарқи ҳам ана шундадир. Жамоанинг ўзини ўзи белгилаши кўринишларининг устунлиги ва мослашувчанлик таъсиротларининг сусайишигина эмасдир.

Демак, гуруҳий ривожланишнинг тегишли равишда анча ифодаланган даражаларини кўрсатадиган (ҳар бир конкрет гуруҳ бошидан кечириши мумкин бўлган сон – саноксиз оралиқ ҳолатлари билан бирга) қатъиян бешта позиция алоҳида ажралиб туради.

Ҳар қандай гуруҳ тузилишига кўра гуруҳ аъзолари нуфузи ва мақомининг ўзига хос даражасини акс эттиради. Унинг юқори қисмидан референтометрик ва социометрик тарзда танланадиган шахслар ўрин олади, энг орқада эса нореферент ва социометрик жиҳатдан суриб чиқарилган индивидлар туради. Мазкур иерархия зинапоясининг энг юқори босқичида гуруҳнинг пешқадами (лидери) жойлашади. Жамоа – шахслараро муносабатлар биргаликдаги фаолиятининг ижтимоий қийматлари ва шахсий жиҳатдан аҳамияти орқали ўз ифодасини топадиган гуруҳдир. Унинг психологик жиҳатдан бошқа гуруҳлардан фарқи ҳам ана шундадир. Жамоанинг ўзини ўзи белгилаши кўринишларининг устунлиги ва мослашувчанлик таъсиротларининг сусайишигина эмасдир.


Референтометрик топшириқда бизни қизиқтирган субъект (ёки субъектлар) учун аҳамиятли бўлган, унинг фикри ва нуқтаи назари билан ҳисоблашни зарурат деб биладиган шахслар доирасини аниқларкан психология педагогга танланган таъсир мақсадларини айтиб бериши мумкин.

Референтлик фазилатига эга қилиб қўйилганлар учун референт хисобланган индивидга ўтказилган педагогик таъсир шахсларнинг мазкур бутун гуруҳига билвосита, етарлича кучли таъсир кўрсатишга кўмаклашади. Бу тарбиявий таъсир ўтказиш жараёнида сохта, лекин шу билан бирга умумий ва индивидуал ёндашувга алтернатива учун ўрин қолдирадиган йўллардан бири бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Демак, ҳар бир шахснинг ўз референт гуруҳи мавжуд бўлиб, унинг талаблари билан у сўзсиз хисоблашади, унинг фикрига қараб мўлжал олади. Одатда у биттагина гуруҳ бўлмасдан, балки уларнинг муайян йиғиндисидир.

Жамият ривожланиши, ундаги кишилар ҳаёти ҳам бутун олам тортишиш қонунига бўйсунди. Худди табиатдагидек, жамиятда ҳам кишилар ўзаро гравитацион (ўзаро тортишишга асосланган) муносабатда бўлади. Табиатдагидан фарқ қилиб, жамият ҳаётида бу қонуният ўзига хос хусусиятларга эгадир. Ақл кучи, биоқувват, характер, темперамент, майл, тааб одат, тарбия, дид, эътиқод ва шу каби ижтимоий – рухий омиллар кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мураккаб гравитацион асосини ташкил қилади. Улар асосида кишилар ўзаро яқин “тортиладилар”, дўстона, самимий муносабатда бўладилар ёки бир – бирларидан узоқлашадилар, адоватда бўладилар. Социометрия шу жараёнларни миқдорий жиҳатдан ўрганади. Уз навбатида миқдорий ўлчовлар сифатий кўрсаткичларни фарқлашга хизмат қилади.

Хулоса қиладиган бўлсак социометрик усулнинг негизида "Сен ким билан бирга бўлишни хоҳлайсан" деган тўғридан-тўғри савол туради. У кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хоҳлаган жабҳасига татбиқан қўйилиши мумкин. Қоида тариқасида, танлашнинг икки йўналиши – биргаликда меҳнат қилиш соҳасидаги ва вақтичоғлик қилиш соҳасидаги йўналишлари тавсия килинади. Ҳозирда, бозор муносабатларининг таркиб топиб бориш жараёнида жамият ижтимоий ҳаётининг социодинамик тарзда ривожланишини социометрияда ўрганиш кўплаб ижтимоий – иқтисодий , мафкуравий , тарбиявий муаммоларни ечишга хизмат қилади. Иижтимоий –

рухий мухитни мўътадиллаштиради. Шунинг учун ҳам кишилар ўртасидаги ижтимоий – рухий муносабатларни ва туйғуларни ўрганиш фақатгина назарий эмас, балки амалий аҳамият ҳам касб этади . Эмпирик социометрик тадқиқотлар жамият ҳаётини, ундаги кишилар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришда муҳим илмий қимматга эга.



**Фойдаланилган  
адабиётлар  
рўйхати.**

1. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т., Ўзбекистон, 1996 й.
2. Каримов. И. А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2010 й.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: Ўзбекистон. 2012 й.
4. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т., Ўзбекистон, 1999 йил.
5. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т., Ўзбекистон, 2000 йил.
6. Каримов И. А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. Т.: Ўзбекистон. 1993й.
7. Каримов И. А. Ўзбекистон сиёсий – ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т.: Ўзбекистон, 1995й.
8. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1997й.
9. Каримов И. А. Кучли давлатдан кучли жамият сари. Т.: Шарқ, 1998й.
10. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон, 2000й. 8- жилд.
11. Каримов Б. Ш. Социологик тадқиқот методи ва техникаси. Бухоро.: 2005 й.
12. Каримов Б. Ш. Социологик тадқиқот методи ва техникаси. Таянч тушунчалар билан ишлаш услубий қўлланма. Бухоро.: 2005 й.
13. Каримов Б. Ш. Ёшлар ва диний тасаввурлар. Бухоро.: 2005 й.

14. Гофман А. Б. Семь лекций по истории социологии. М.: университет книжный дом. 1997й.
15. Елкусов А. Н. Социология. Учебное пособия для студентов ВУЗов. Мн.:Тетра системс, 1998й.
16. Каримова В. М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. Т.: Университет, 1999й.
17. Ньюман Л. В. Социал илмий методлар.: сифат ва миқдорий ёндашувлар. Бостон.: 1991й.
18. Капитонов Э. А. Социология XX века. Ростов – на – Дону.:1996й.
19. Татарова Г. Г. Методология анализа данных в социологии. М.:1999й.
20. Толстова Ю. Н. Измерения в социологии. М.: Инфра, 1999й.
21. Харчева В. Основы социологии. М.: Логос, 1999й.
22. Ядоев В. А. Стратегия социологического исследования. М.: Добросвет, 1998й.
23. Каримов И. А. Юксак маънавият энгилмас куч. Т, Маънавият. 2009йил..
24. М.Бекмуродов. Социология асослари. Т, "Фан", 1994 йил.
25. Жўраев С. Ёшлар сиёсатига оид. Т, "Ўзбекистон", 1994 йил.
26. Бегматов А. Социологияга кириш. Андижон, 1995 йил.
27. Юнусов К. Социология. Методик ўқув қўлланмаси. Андижон, 1997 йил.
28. Холбеков А, Идиоров У. Социология. Луғат. Т, Ибн Сино, 1999 йил.
29. Алиқориев Н. .ва бошқалар. Умумий социология. Бишкек, 2003 йил.
30. Гидденс. Э. Социология. Т.: «Шарқ». 2002йил.
31. Холбеков А., Идиоров У. Социология. Т.: Абу Али Ибн Сино, 1999й.
32. Умумий психология. . Т.: Ўқитувчи, 1992й.
33. [http:// www.uzvip.uz](http://www.uzvip.uz).
34. [http:// www.el.tfi.uz](http://www.el.tfi.uz).
35. [http:// www.akadmvd.uz](http://www.akadmvd.uz).
36. [http:// www.jahongir.sitecity.ru](http://www.jahongir.sitecity.ru).